

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

СУЮНОВ НУРИДДИН ШУҲРАТОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ ВА УНИ
АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ**

**5340700 – “Банк иши” таълим йўналиши
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ТОШКЕНТ-2011

БМИни бажарди:

КБИ-77 гуруҳи талабаси
Н.Ш.Суюнов

Илмий раҳбар:

проф. Т.М.Қоралиев

“ЯДАК олдида ҳимояга тавсия этилади”

Кафедра мудири

и.ф.н., доцент С.Х.Норқобилов

Факультет декани

и.ф.н. О.Б.Саттаров

(муҳр)

Кириш.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифат даражасининг пасайиши уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилади, чунки кредитлаш тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган фаолият тури ҳисобланади, муддатида қайтарилмаган кредитларнинг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши банкнинг ликвидлилигини кескин пасайишига олиб келади, тижорат банклари кредит портфелини самарали тарзда бошқариш хўжалик субъектларининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Бугунги кунда Республикамизда иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилаётган банк кредитлари ҳажмининг ошиши, банк кредитларидан фойдаланаётган турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги мижозлар миқдори кўпайиши ва банklar томонидан берилаётган кредитларни оқилона жойлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш, берилган кредитлар ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундириб олишни таъминлаш банklar кредит портфели устидан доимий кузатиб бориш асосий иши деб талаб қилинмоқда.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банklarимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир.

Банklarнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи қарзлар, асосан, узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди.

Банklarнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Ўтган йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди.*

Тижорат банklarининг миллий иқтисодиётдаги юксак мавқеини таъминлаш уларнинг кредит сиёсатини самарадорлигига боғлиқ.

* Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 24 январь

Айни вақтда республикамиз тижорат банкларининг кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш борасида сезиларли муаммолар мавжуд. Хусусан мамлакатимиз банк тизимида кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланилмаётганлиги, мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги баҳолаш тизимида сезиларли камчиликларнинг мавжудлиги тижорат банклари кредит сиёсатини тадқиқ қилишни, кредит сиёсати асосида кредитлаш жараёнини олиб бориш асосларини ўрганишни амалий материалларни таҳлил қилишни ва шу асосда мавжуд камчиликларни аниқлашни, уларни бартараф қилиш йўллари излаб топишни ҳамда уларни амалда қўллаган ҳолда банклар томонидан бериладиган кредитларнинг самарадорлигини оширишни кўзда тутди.

Битирув малакаий ишининг мақсади- республикамиз тижорат банклари кредит сиёсатини бошқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиши учун қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинган:

- тижорат банклари кредит сиёсатининг назарий асосларини таҳлил қилиш;
- республикамиз тижорат банклари кредит сиёсатини бошқаришнинг амалий ҳолатини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит сиёсатини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш;
- республикамиз тижорат банкларининг кредит сиёсатини самарали бошқаришни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши кириш қисми, уч асосий боб, хулоса ва таклифлар қисми ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асослаб берилган.

Битирув малакавий ишининг **биринчи бобида** тижорат банклари кредит сиёсатининг назарий асослари ҳамда кредит сиёсатининг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган.

Битирув малакавий ишининг **иккинчи бобида** республикамиз тижорат банкларининг кредит сиёсатини бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишининг **учинчи бобида** республикамиз тижорат банкларининг кредит сиёсатини бошқаришни такомиллаштириш борасида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти очиб берилган ва уларни ҳал этиш юзасидан аниқ амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида мавзу бўйича тегишли хулосалар шакллантирилган ва ишлаб чиқилган амалий таклифларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топган. Иш фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан тугаган.

I-БОБ. Тижорат банки кредит сиёсатининг банк фаолиятида тутган ўрни, моҳияти ва турлари

1.1. Тижорат банкининг кредит сиёсати, унинг моҳияти ва аҳамияти

Банк кредити республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутиши ўз - ўзидан аниқ. У жисмоний ва юридик шахслар моддий техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиб, асосий ва оборот ишлаб чиқариш фондларини тузиш, тиклаш ва кўпайтириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Корхоналар ва ташкилотларга ўз маблағлари билан чекланиб қолмаслик, янги пул маблағларини хўжалик оборотига киритиш имконини беради ва шу билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва жадаллашиши учун зарур иқтисодий замин яратади.

Бугунги кунда Республикамизда иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилаётган банк кредитлари хажмининг ошиши, банк кредитларидан фойдаланаётган турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги мижозлар миқдори кўпайиши ва банклар томонидан берилаётган кредитларни оқилона жойлаштириш ва улар самарадорлигини ошириш, берилган кредитлар ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида ундириб олишни таъминлаш банклар кредит портфели устидан доимий кузатиб бориш асосий иши деб талаб қилинмоқда.

Банклар ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кўшимча қарз маблағлари юзага келишининг асосий манбаи бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини қайта тузилмалаш, фаол иқтисодий сиёсат юритиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кўшимча маблағларни жалб қилишга ёрдам беради.

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти – банк (қарз берувчи) ва мижоз (қарз олувчи) нинг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тузилганлигига боғлиқ. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлашининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Банк ўзининг сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда кредит сиёсатини аниқ белгилаб олиши бошқарув органлари томонидан белгиланган стандартларга риоя қилиш ва фойдали кредитлар беришни таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банк бошқарувчилари ва кредит инспекторларига кредит бериш тўғрисида аниқ қарор қабул қилиш ва банк кредит портфели таркибини тўғри танлашда амал қилиниши керак бўлган асосий йўналишларни беради. Банк кредит портфелининг таркиби унинг кредит сиёсатини ўзида акс эттириши керак. Акс ҳолда, банк кредит сиёсатининг самарали қўлланиши таъминланмайди.

ва банк бошқаруви юқори органлари ёки уни қайта кўриб чиқишлари, ёки унинг қўлланилиши бўйича чора - тадбирлар кўришларига тўғри келади.

Тижорат банкларининг кредит тақдим этишдаги асосий вазифаси - омонатчиларнинг пулларини кимга ишониб топшириш мумкинлигини ҳал этишдан иборат. Бу фаолият ўта муҳим ва ўта таъсирчан жараён бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш сармоя тузилмасидаги леверажни жиддий ошириш имконини беради. Банк кредитларни қачон, кимга ва қандай шартларда беришини аниқ белгилаб олиши керак.

Банк иши - кутилмаганда оғир ҳолатга тушиб қолиши мумкин бўлган фаолият турларидан биридир. Шунинг учун кредитлар, депозитлар ва бошқа мажбуриятлар билан ўз маблағлари ўртасидаги мақбул мувозанатни сақлаш банкнинг энг муҳим мақсадларидан биридир. Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфели сифатининг ошишига олиб келади. Тегишли равишда, кредит сиёсатининг мақсади ҳуқуқий тартибга солиш диапазони, маблағ олиш имконияти, энг юқори риск даражаси, ссуда портфели баланси, муддатлар бўйича мажбуриятлар ва активлар тузилмасини ҳисобга олиши керак.

Тижорат банки ва унинг бўлимлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кредитлар бериш, қайтариш ва кредитдан фойдаланиш мониторингини амалга ошириш борасидаги қоидалар банкнинг ички кредит сиёсатида батафсил белгилаб қўйилади. Тижорат банкининг ички кредит сиёсати муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат бўлганлиги сабабли унга қонунчиликда муайян талаблар қўйилган.

«Сиёсат – амалий муносабат сифатида ҳам, идеология сифатида ҳам – иқтисодий жараёнлар ҳаракати орқали белгиланади ва жамиятнинг иқтисодий базаси устидан назорат сифатида қатнашади. Иқтисодий манфаатлар сиёсий ҳаракатларнинг ижтимоий сабабчиси сифатида қатнашади».

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, сиёсат бир вақтнинг ўзида ҳам фаолият (амалий муносабатлар) сифатида, ҳам идеология, ҳаракатлар программаси, концепция сифатида тушунилади.

Сиёсат - бу боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш усули бўлиб, бунда принциплар тегишли сиёсатни аниқлаш ва уни амалга ошириш усуллариининг асоси сифатида қатнашади.

Сиёсий таъсир объекти ҳисобланган ижтимоий муносабатлар соҳасига боғлиқ равишда, иқтисодий сиёсат, ижтимоий, маданий, техник ва бошқа сиёсат тўғрисида гапириш мумкин. Кредит сиёсати - бу банк томонидан унинг фаолиятида ўтказиладиган сиёсат кенг спектрининг факатгина бир қирраси ҳисобланади. Бир гуруҳ россия олимлари кредит сиёсатини қуйидагича таърифлайдилар: «Кредит сиёсати - банкнинг кредит операциялари соҳасидаги стратегияси ва тактикасидир».

Кредит сиёсати талқинига бундай ёндашувни ҳозирги Ғарб адабиётида ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, Жаҳон банкининг Н. Брук таҳрири остидаги нашрида қуйидагиларни кўришимиз мумкин: «Сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташкилий эҳтиёжлар, қоидалар, қонунлар ва

бошқариш фалсафасининг интеграциясини билдиради. Бу корпоратив маданиятнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Сиёсатни ишлаб чиқишда банк имиджи мустаҳкамланади ва келажақдаги натижаларга асос қўйилади. Аниқ белгилаб олинган сиёсатга эҳтиёж банкнинг кенгайиши, децентрализациялашуви ва мустақиллигининг ўсиши билан ортиб боради. Банк сиёсати кредитлаш, қимматли қоғозлар ва шўъба компанияларига инвестициялар, капитал қўйилмаларни молиялаш-тиришга одатда асосий функцияларни қамраб олади:

- ◆ харажатлар;
- ◆ персонал;
- ◆ ички назорат ва молиявий бошқарув.

Сиёсатни ишлаб чиқиш кўп ҳолларда тармоқ сиёсатига, анъаналар ва «рахбарлар кенгаши» бошқарувчиларининг таклифларига асосланади».

Кредит сиёсатининг юқорида келтирилган таърифлари бизга ҳозирги замон иқтисодий адабиётида бу тушунчанинг турли талқини мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради, бу эса ўз навбатида кредит сиёсатининг моҳиятини аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Панова Г.С. шундай дейди: «Авваламбор, кредит сиёсатини иқтисодий сиёсат сифатида белгилаб олиш лозим. Аммо молиявий, нарх, солиқ, фоииз ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда кредит сиёсати уни иқтисодий сиёсатни ташкил этадиган элементлар умумий тизимидан ажратиш турадиган ўзининг маълум бир махсус белгиларига эга. Кредит сиёсатининг муҳим томони шуки, кредит сиёсати - бу кредитнинг ҳаракати билан боғлиқ сиёсат ҳисобланади».

Банк кредит ва депозит сиёсати бир асосга эга ва бир медалнинг икки томони каби ҳисобланади. Кредит ва депозит сиёсатининг ўтказилиши бир мақсадни кўзлайди – банкнинг ишончилиги ва стабиллигини ушлаб турган ҳолда унинг даромадларини максималлаштиришдан иборат. Мувозанат нуқтаси бўлиб банк ликвидлиги хизмат қилади.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тижорат банкининг кредит сиёсатини кенг маънода, унинг депозит сиёсатини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим. «Кредит сиёсати – бу кредит бериш борасида (кредитлаш, ссуда шакллари) бўлгани каби, уни олиш (қарзлар) борасидаги ҳам сиёсатдир».

Шундай қилиб, категориал даражада (кредитни иқтисодий категория сифатида бошқариш даражасида) депозитларни қайтариш асосида жалб қилиш ва ссудалар бериш бўйича сиёсат бир жараённинг икки тарафи ҳисобланади.

Бундай ёндашув янги эмас ва ўзининг тарафдорларига эга. Мисол учун, В. Лексис аср бошида шундай ёзган эди: «Иқтисодий нуқтаи назардан киритилган ссудаларни ажратиш муҳимдир, уларга биринчи навбатда, банк омонатлари (депозитлар) - пул суммалари киради, қайсики банкларга нафақат оддий сақлаш учун, балки омонатчига шу суммани қайтариш мажбуриятини олган банклар томонидан фойдаланиши учун берилади, шунингдек бунда омонатчи фоииз олиши ёки олмаслиги мумкин» Банк нуқтаи

назаридан, омонатлар ҳақиқатда сўраб олинадиган ссудалар ҳисобланади, чунки банк депозитларни қабул қилишга тайёрлигини очик эълон қилади, ҳамда уларнинг имконича кўпроқ келиши банк мафаатидадир. Фоизсиз ссудалар ҳаётда талаб қилгунча омонатлар шаклидан бошқа кўринишда мавжуд бўлиши амримахол.

Панова Г.С бунга ўз муносабатини қуйидагича билдиради: «Умуман олганда, юқорида келтирилган кредит сиёсатининг банкнинг кредит операциялари соҳасидаги стратегияси ва тактикаси сифатидаги талқинига қўшилган ҳолда, ундан фарқли ўлароқ, бизнинг фикримизча, банкнинг мижозга, шу жумладан аҳолига нисбатан кредитор ва қарз олувчи сифатидаги фаолиятини таҳлил қилган ҳолда банкнинг кредит ва депозит сиёсатининг бир асосга эга эканлигини таъкидлаш муҳимдир». Бизнинг фикримизча ҳам бу фикр банк кредит сиёсатининг моҳиятини тўлиқроқ очиб беради.

Ҳақиқатда амалиётда банклар (марказий ва тижорат банклари) пул, кредит, фоиз, валюта сиёсатини олиб боради. Шу билан бирга шуни айтиб ўтиш жоизки, кредит сиёсати - бу турли кредиторларнинг сиёсатидир (нафақат банкларнинг, балки кредит кооперативлари ва ҳ.к.)

1-жадвал

Банк сиёсати ва унинг таркибий қисмлари¹

- | |
|--|
| <ul style="list-style-type: none">◆ Депозит сиёсат.◆ Кредит сиёсати.◆ Банк мижозларига ҳисоб касса хизматларини кўрсатишни ташкил этиш соҳасидаги сиёсат.◆ Фоиз сиёсати.◆ Валюта сиёсати.◆ Алоҳида банк операциялари ва хизматларини ўтказиш бўйича сиёсат.◆ Банк рискларини бошқариш соҳасидаги сиёсат.◆ Банк фойдалилиги, рентабеллигига нисбатан сиёсат.◆ Ходимларни бошқариш бўйича сиёсат.◆ Рақибларга нисбатан сиёсат ва ҳ.к. |
|--|

Шундай қилиб, умуман олганда, банк сиёсатининг ажралмас қисми бўлгани ҳолда, тижорат банкининг кредит сиёсати алоҳида эмас, балки банк сиёсатининг барча элементлари таъсири, боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда қаралиши лозим.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётида тижорат банкининг кредит сиёсати мазмунига нисбатан параллел равишда икки хил фикр мавжуд.

Биринчидан, кредит сиёсати макроиқтисодий даражада одатда банк сиёсати сифатида тушунилади.

Иккинчидан, кредит сиёсати микроиқтисодий даражада одатда, конкрет банкнинг кредит жараёнини бошқариш соҳасидаги сиёсати сифатида

¹Г.С.Панова. Тижорат банкларининг кредит сиёсати – М.:ИКЦ «ДИС», 1997 йил.

тушунилади (тор маънода).

Аммо, барча иқтисодчилар ҳам бундай фикрда эмаслар. Мисол учун, М.А.Косой ёзади: «Кредит сиёсати банк сиёсатига нисбатан анча кенг тушунча ҳисобланади». Бундай ҳолат шу билан изоҳланадики, бунда автор кредит сиёсатини фақат макроиқтисодий даражада давлат сиёсати сифатида, банк сиёсатини эса - конкрет банк даражасида кўриб чиқади. Кредит сиёсати мазмунига бундай қараш режали иқтисодиёт шароитлари-да ҳўжалик алоқалари тузишининг ўзидан келиб чиққан. Фақатгина давлат банклари (Собик Иттифоқ Давлат банки, Собик Иттифоқ қурилиш банки, Собик Иттифоқ Ташқисавдобанки) мавжуд бўлган монобанк тизимининг мавжудлиги мижозлар (одатда давлат корхоналари ва ташкилотлари)га хизмат кўрсатишга турлича ёндашувга йўл бермасди. Бундай шароитда микроиқтисодий даражада - ҳар бир банк даражасида кредит сиёсатини ишлаб чиқишга бевосита зарурият йўқ эди, чунки юқорида кўрсатиб ўтилган банклар умумий марказлашган давлат сиёсатининг амалга оширувчилари эдилар, жумладан кредитлашга нисбатан ҳам. Социалистик иқтисодиётда банк сиёсати ҳукумат сиёсати даражасида эди. Шунинг учун мамлакатимизда давлат иқтисодий сиёсати, банк сиёсати, кредит сиёсати каби тушунчалар бир неча йиллар аввал кўпинча синонимлар сифатида тушуниларди.

Кредит сиёсатининг моҳиятини биз банкнинг ресурсларни қайтаришлик асосда жалб қилиш ва уларни инвестициялаш, жумладан банк мижозларини кредитлаш борасидаги стратегияси ва тактикаси сифатида аниқлашимиз лозим.

Тор маънода кредит сиёсати – бу банкнинг кредит жараёнини ташкил қилиш борасидаги стратегия ва тактикасидир.

1.2. Тижорат банкининг кредит сиёсати белгилаш ва унга таъсир этувчи омиллар

Кредит сиёсатини ишлаб чиқишда банклар кредит портфелини шакллантиришнинг, унинг диверсификациясига оптимал кредит сиёсати-ни белгилаш нуқтаи - назаридан қараб, унинг устивор томонларини белгилаб оладилар. Бу эса ўз навбатида истеъмол кредитлари бериш борасидаги кредит сиёсати, ипотека кредити бўйича кредит сиёсати, ўрта ва кичик бизнесни кредитлаш бўйича кредит сиёсати ва ҳ.к. лар тўғрисида сўз юритиш имконини беради.

Панова Г.С. тижорат банки кредит сиёсати тамойиллари сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади.

2-жадвал

Банк кредит сиёсатининг тамойиллари²

Умумий	Хусусий
◆ илмий асосланганлиги; ◆ оптималлиги; ◆ эффективлиги; ◆ бирлиги, кредит сиёсати элементларининг узилмас боғлиқлиги	◆ даромадлилик, фойдалилик; ◆ ишончлилик.

Тижорат банкининг оптимал кредит сиёсатини банкка унинг харажатларини қоплашга имкон берувчи ва маълум даражада фойда, соф даромад келтирувчи сиёсат сифатида тавсифлаш мумкин. Шу билан бирга, банк фаолиятида даромаднинг йўқлиги ёки ҳатто зарар бўлганида ҳам, бу фақатгина самарасиз кредит сиёсати натижаси сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ эмас. Маълумки, банк кредит сиёсатини ишлаб чиқишда стратегик ва тактик мақсадлардан келиб чиқади.

Кўринишидан қатъий назар, банк кредит сиёсати ички структурага эга. Панова Г. С. тижорат банки кредит сиёсатининг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни келтиради:

- а) кредит жараёнининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича банк стратегияси;
- б) кредитлашни ташкил қилиш бўйича банк тактикаси;
- в) кредит сиёсати реализациясининг назорати.

Бизнинг фикримизча, бу элементлар банк кредит сиёсатининг мазмунини ташкил этади. Ғарб иқтисодий адабиётида кредит сиёсати бўйича кредит жараёнини ташкиллаштириш борасида банк стратегияси ва тактикасини аниқлаб олишга имкон берувчи ҳужжат (меморандум) ишлаб чиқиш тавсия этилади. Панова Г.С. фикрича, бундай ёндашув маълум маънода тор ёндашувдир, чунки у банк кредит сиёсатини кредит жараёнини ташкил қилиш борасида фақат тактика сифатида кўради. Ғарб иқтисодий

² Г.С.Панова. Тижорат банкларининг кредит сиёсати – М.:ИҚЦ «ДИС», 1997 йил.

адабиётида банк кредит сиёсати қуйидаги асосий мезонлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Кредит портфелини шакллантирадиган мақсад (яъни, яхши кредит портфелининг хусусиятларини кўрсатиш; кредит турлари, сўндириш муддатлари, миқдори ва сифати).

2. Кредит фаолияти доирасида ҳар бир кредит инспектори ва кредит хайатига юкланган ваколатлар рўйхати (маъсул ходим томонидан маъқулланиши мумкин бўлган кредитнинг максимал суммаси ва тури, ҳамда зарур имзолар).

3. Банк кредит хизмати ҳуқуқларини ўтказиш ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлар.

4. Кредит аризалари бўйича текшириш, баҳолаш ва қарор чиқариш тизими баёни.

5. Кредит аризасига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида албатта сақланадиган ҳужжатлар рўйхати (қарздор молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров, кафолат ҳақида шартнома ва ҳ.к. лар).

6. Кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги, ким ва қандай ҳолатда уларни олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги батафсил маълумотлар.

7. Кредит таъминотини қабул қилиш, баҳолаш ва реализациясининг асосий қоидалари.

8. Фонд ставкалари ва кредитлар бўйича комиссиялар, ҳамда кредитларни сўндириш шартларини белгилаш сиёсати ва амалиёти баёни.

9. Барча кредитларга қўлланиладиган сифат стандартлари баёни.

10. Кредит қўйилмаларининг максимал миқдорини белгилаш ва кўрсатиш (яъни, кредит қўйилмалари ва банк ялпи активлари нисбатининг йўл қўйиладиган максимал даражаси).

11. Банк хизмат кўрсатадиган минтақада кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки сектори.

12. Муаммоли кредитлар ташхиси, таҳлили ва у билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ечими амалиёт баёни.

Юқоридаги рўйхатга банк учун таъқиқланадиган ёки номақбул кредит турлари номларини ҳам қўшиш мумкин (тўловга қодирлиги шубҳали бўлган ёки ҳужжатлар тўлиқ рўйхатини тақдим этмаган қарз олувчилар ва ҳ. к.), ҳамда кўпроқ фойдали бўлган кредитлар рўйхатини ҳам қўшиш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан фарқли равишда Панова Г.С. тижорат банки оптимал кредит сиёсатини шакллантиришнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ ҳисоблайди. У жаҳон тажрибасидан ҳамда кредит сиёсатини методологик жиҳатдан оптималлаштириш талабларидан келиб чиқиб тижорат банки кредит сиёсатини шакллантиришнинг қуйидаги схемасини тавсия этади:

I. Кредит сиёсатининг асосий қоидалари ва мақсадлари;

II. Кредит операцияларини бошқариш аппарати ҳамда банк хизматчилари масъулияти;

III. Кредит шартномасининг турли босқичларида кредит жараёнини

ташқил қилиш;

IV. Банк назорати ва кредит жараёнини бошқариш.

Кредит сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган фақатгина биргина ҳужжатни тузиш тарқалган ғарб амалиётидан фарқли равишда, Панова Г. С. «Кредит сиёсати бўйича бошқарув» деб номлаш мумкин бўлган синтетик ҳужжат ёллаб чиқишни муҳим ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу ҳужжат замонавий тижорат банкининг оптимал кредит сиёсатини ишлаб чиқишда зарур бўлган ҳужжатлар мажмуасини бирлаштиради:

1. «Кредит сиёсати»
2. «Кредитлаш нормалари»
3. «Кредитлаш бўйича йўриқнома»

В.М. Усоскин эса банк кредит сиёсати ҳақида айти банк хизматчилари роя қиладиган ёзма меморандум ишлаб чиқилишини маъқуллайди ва йирик америка банкларидан бирининг меморандум схемасини келтиради:

I. Умумий қоидалар

- бошқарув;
- операциялар ҳажми;
- балансли ссуда портфели;
- портфелни бошқариш;
- ссуда депозитлар коэффиценти;
- бир қарздорга бериладиган ссуданинг юқори чегараси;
- кредит беришда жавобгарликни тақсимлаш;
- фоиз ставкалари;
- кредитни қайтариш шартлари;
- таъминот;
- кредитга лаёқатлилиқ ҳақида маълумот ва ҳужжатлар;
- ссудалар бўйича нотўловлар коэффиценти;
- умидсиз қарздорликни сўндиришга захиралар;
- қайтарилмаган ссудаларни ўчириш;
- муддати ўтган кредитларнинг узайтирилиши ёки қайта ташқил

қилиш;

- истеъмолчилар ҳимояси қонунлари ва операциялар шартлари.

II. Ссудаларнинг алоҳида кўринишлари:

- ривожланиш имкониятлари;
- маъқулладиган ссудалар категориялар бўйича;
 - 1) тижорат;
 - 2) қишлоқ хўжалиги;
 - 3) ипотека;
 - 4) муддати ўтказиб тўланадиган ссудалар;
 - 5) «виза» карточкалари ва қайта ташқил қилинадиган ссудалар;
 - 6) ипотека кредити филиаллари;
 - 7) аккредитивлар;
 - 8) кредит шартномалари.
- маъқулланмайдиган ссудалар

III. Кредит сиёсатининг турли пунктлари:

- банк хизматчилари ва директорлари жавобгар бўлган ссудалар;
- хизматчиларга ссудалар;
- манфаатлар тўқнашуви.

IV. Ссуда сифати назорати:

- Кредитга лаёқатлилигининг таҳлили бўлими;
- кредит портфели аудити.

V. Комитетлар:

- директорлар кенгаши ҳузуридаги кредит комитети;
- молиявий консультантлар ҳузуридаги кредит комитети;
- кредитлар аудити бўйича комитет.

Тижорат банки кредит сиёсатини ишлаб чиқиш борасидаги юқорида кўрсатиб ўтилган турлича ёндашувлардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳар бир банк кредит сиёсатини ўзининг хусусиятлари, имкониятлари ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқади. Умуман олганда кредит сиёсатини ишлаб чиқишда иккала ёндашув ҳам қўл келиши мумкин, аммо Панова Г.С. томонидан тавсия этилган ёндашув банк кредит сиёсатини ишлаб чиқишнинг кенгроқ ва аниқроқ ёндашувдир.

Кредит сиёсати баёни тегишли банк учун муҳим аҳамият касб этади. Унда банк хизматчилари амал қилиши зарур бўлган қоидалар ва уларнинг мажбуриятлари руйхати мавжуд бўлади. Бу банкка бир қатор мақсадлар: фойдани таъминлаш, риск даражаси ва тартибга солиш органлари илгари сурган талабларга риоя қилишни назорат қилишга эришишда ёрдам берувчи кредит портфелини шакллантиришга ёрдам беради. Банкнинг кредит сиёсатидан ҳар қандай чекиниш ҳужжат-лаштирилиши ва нима сабабдан бу чекиниш содир бўлганлиги тўғрисидаги изоҳни ўз ичига олиши керак. Кредит сиёсати иқтисодий шарт - шароитлар ва тартибга солиш органлари томонидан ўрнатилган қоидаларнинг барча ўзгаришларни ҳисобга олиш учун етарли даражада мослашувчан бўлиши керак бўлса-да, ҳар ҳолда банк кредит сиёсати баёнида мавжуд бўлган ҳолатларни фақат истисноли ҳолатлардагина бузиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда МДХга кирувчи давлатлар тижорат банкларининг кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётини тезроқ ривожлантиришга йўналтирилган. Ҳозирги вақтда бу мустақил давлатларнинг банклари аксарият ҳолларда воситалик операцияларини ўтказиш учун кўпроқ қисқа муддатли кредит бермоқдалар. Бу ҳолат мамлакатлардаги бирмунча беқарор иқтисодий шарт - шароит билан изоҳланади. Аммо, кредитни узоқ муддатга инвестиция қилиш банкларга ва жамиятларга катта фойда бериши мумкин.

Хуллас, банк кредит сиёсати шу банк кредит фаолиятига маълум йўналиш бериш, сифатли кредит портфели шаклланишига хизмат қилади.

II-БОБ. Тижорат банклари томонидан кредит сиёсатини бошқариш амалиётининг таҳлили

2.1. Тижорат банкларида кредит портфелининг шаклланиши механизми

Тижорат банклари томонидан берилган барча кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади.

Тижорат банклари ўз мижозларига турли кўринишдаги кредитлар бериши мумкин. Авваламбор, қарз олувчиларнинг асосий группалари бўйича:

- хўжаликка;
- аҳолига;
- ҳукуматнинг давлат органларига берилган кредитларга бўлинади.

Йўналиши бўйича кредитлар қуйидагича:

- истеъмол;
- саноат;
- савдо;
- қишлоқ хўжалиги;
- инвестицион;
- бюджет.

Кредитлар фойдаланиш муддати бўйича:

- қисқа муддатли;
- узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Миқдори бўйича кредитлар:

- йирик;
- ўрта;
- майда кредитларга бўлинади.

Таъминланганлик бўйича:

- таъминланмаган (ишонч) кредитлар;
- таъминланган кредитларга бўлинади.

Ўз навбатида таъминланган кредитлар таъминланиш характерида кўра:

- гаровли;
- кафолатланган;
- суғурталанган кредитларга бўлинади.

Банк кредитлари мақсад бўйича:

- ипотека ссудалари;
- молиявий ташкилотларга берилган ссудалар;
- қишлоқ хўжалигига берилган ссудалар;
- савдо ва саноат корхоналарига берилган ссудалар;
- жисмоний шахсларга берилган ссудалар;
- бошқа ссудалар;
- лизинг молиялаштириш.

Бунда банк ўзининг қайси тармоққа кўпроқ эътибор беришига қараб, у ёки бу кредит улуши кредит портфелида кўпроқ бўлади. Бу унинг кредит сиёсатидан келиб чиқади.

Банк актив операциялари ичида кредит асосий ўринни эгаллайди ва

банк даромадининг катта қисми ҳам айти шу кредит операциялари орқали келади. Шу сабабли банк кредит портфелининг қандай шаклланиши банк фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Банк яхши кредит портфелини шакллантириш ниятида экан, кредитлаш жараёнини тўғри ташкил қилиши зарур бўлади.

Биз юқорида турли кўринишдаги кредитларни кўрдик, бироқ конкрет банкларнинг кредит портфели структураси ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Банк кредит портфели структурасини аниқловчи муҳим факторлардан бири - бу айти банк хизмат кўрсатадиган бозор секторининг спецификасидир. Ҳар бир банк ўз бозор сигменти миқдорларининг қарз маблағларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиши керак. Масалан, шаҳар чеккасидаги уйлар ва кичик магазинларга эга районда жойлашган бўлса, асосан уй бинолари гарови остида, ипотека кредити, автомобил, уй жиҳозлари, умуман уй хўжалигини юритиш учун харажатларни қоплашга кредитлар беради, аксинча катта шаҳарларда, офислар, катта универмаглар, саноат корхоналари орасидаги банклар одатда ўз кредитларини асосан тижорат фирмаларига товар материаллар запасларини тўлдиришга, жиҳозлар сотиб олиш ва иш ҳақиға йўналтирадилар.

Албатта, банклар кредит бераётганларида ўзлари хизмат кўрсатаётган регионларга тўлиқ бўлиб бермайдилар. Керакли кредит маблағларини тўлиқ ёки қисман улар бошқа банклардан олишлари мумкин, бу ҳолат агар банк хизмат қилаётган регион иқтисодий қийинчиликларга дуч келса, зарар кўриш рискинни камайтиради.

Банк ўлчами ҳам унинг кредит портфелига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади, айтикча бир қарз олувчига бериладиган кредитнинг максимал миқдорини белгиловчи капитали ҳажми муҳимдир. Катта банклар одатда улгуржи кредиторлар ҳисобланадилар, улар ўзларининг кредитларининг асосий миқдорини корпорациялар ва бошқа фирмаларга берадилар. Кичикроқ банклар эса фуқароларга кичик ссудалар, уй гарови остида хусусий шахсларга кредитлар, ферма ва ранчо эгаларига кичик кредитлар шаклидаги яққа ҳолдаги кредитларни беришга йўналтирилганлар.

Бундан ташқари кредит портфели таркибига кредитлашнинг турли кўринишлари соҳасида менежерларнинг тажриба ва малакаси, ҳамда ўз кредит инспекторларига маълум кўринишдаги кредитларни бермаслиги кўрсатилган банк кредит сиёсати ҳам таъсир кўрсатади.

Кредит портфелининг таркиби маълум даражада банкнинг кутилаётган даромадига ҳам боғлиқ, чунки банк одатда кутилаётган даромади максимал бўлган ссудаларни беришни маъқул кўради.

Тижорат банклари сифатли кредит портфелини шакллантириш учун авваламбор кредитлаш жараёнини тўғри ва сифатли олиб боришлари зарур.

Кредитлаш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлади:

- 1) Кредит аризалари портфелини шакллантириш;
- 2) Потенциал миқдорлар билан суҳбатлар ўтказиш;
- 3) Кредит беришнинг мақбуллиги ва уни бериш шакли тўғрисида қарор

кабул қилиш;

4) Кредит ишини расмийлаштириш;

5) Мижоз билан у ссуда олгандан кейин ҳам ишлаш;

6) Кредитнинг фоизлар билан қайтарилиши ва кредит ишининг ёпилиши.

Кредитлаш жараёни бир нечта принциплар орқали амалга оширилади:

- мақсадлилиқ;
- таъминланганлиқ;
- муддатлилиги;
- қайтарилиши;
- тўловлилиқ.

Қайтарилиш тамойили кредитнинг моҳиятини ифодалайди. Банк томонидан мижозларга бериладиган ҳар бир сўм пул маблағлари яна банкка қайтарилиши лозим. Ўйтариб беришнинг иқтисодий асоси сифатида маблағларнинг узлуксиз доиравий айланиши ҳисобланади.

Кредит иқтисодий муносабатларни белгиланган тизими сифатида бошқа пулли муносабатлардан фарқ қилади, яъни пулнинг харажати қайтариб бериш шарти билан амалга ошади.

Кредитнинг муддатлилиқ тамойили қайтаришлиқ тамойили билан узвий боғлиқ бўлади. Кредитлашнинг муддатлилиги икки томонлама характерга эга. Биринчидан, кредитнинг моҳияти вақтинча фойдаланишга берилган маблағларнинг қайтарилишлигини билдирибгина қолмай, балки бу қайтарилишини аниқ муддатларини белгилашни ҳам тақозо этади. Кредитнинг муддати, бир томондан фойдаланишга берилаётган кредит ресурсларининг бўш туриш муддати билан белгиланса, иккинчи томондан қарз олувчининг маблағларга бўлган вақтинчалик эҳтиёжларининг муддатига боғлиқ. Кредитлаштириш муддатлилигининг бу икки томонлама характери инобатга олинганда вақтинчалик фойдаланишга берилган маблағларни тўлиқ ва белгиланган муддатда қайтарилишини таъминлаш мумкин.

Кредитнинг кейинги тамойили - кредитнинг таъминланганлигидир. Бунда ссуданинг таъминланганлиги кредит берилишига асосан қарз олувчининг мулки, моддий бойликлар захиралари, кўчмас мулки ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига мос келиши билан белгиланади. Бу ўз навбатида кредитни ўз муддатида қайтарилишига кафолат берилишини тасдиқлайди. Ссуданинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун кредит шартномасига кўра қарз олувчи гаровга маълум қийматга эга бўлган мол - мулкни қўйиб расмийлаштирадилар. Агар қарз олувчи кредитни ўз вақтида қайтара олмаса, у ҳолда гаровни сотиш чоралари кўрилади. Кредит миқдори гаровга қўйилган мулк қийматининг 50 фоизидан 80 фоизигача миқдорида берилади.

Кредитнинг бош тамойили - мақсадга йуналтиришдир. Бунда аниқ хўжалик жараёнларининг кредит билан боғлиқлиги таъминланади. Кредитни мақсадли йўналтириш тамойили қарз олувчи зиммасига пул маблағларини фақат режада кўрсатилган мақсадлар учун сарфланишни кўзда тутаяди. Кредитлар бизнес режа асосида берилади. Кредитни мақсадли йуналтириш

кредит миқдорини тартибга солиш усулларига боғлиқ бўлади. Бу усуллар:

- лимитлаштириш;
- назорат рақамларини белгилаш;
- режа бўйича кредит миқдорини аниқлаш кабилардан иборат.

Кредитнинг мақсадли йўналтиришини таъминлаш унинг ўз вақтида қайтарилиши учун реал шарт - шароитларни яратиб беради. Бу тамойилга риоя қилиш банк муассасалари асосида назорат қилинади. Берилган кредит қарз олувчи томонидан бошқа мақсадга ишлатилган бўлинса, у ҳолда белгиланган тартибга мувофиқ кредит муддатидан илгари қайтариб олинади.

Кредитлашнинг бешинчи тамойили - олинган кредит учун ҳақ тўлаш ёки фоизлилиқдир. Бунда шартномага кўра кредит олувчи корхона ўз эҳтиёжи учун кредитга олган пул маблағларидан вақтинча фойдаланганлиги учун банкка белгиланган ҳақни тўлаши лозим. Банкнинг фоиз ставкаси бу кредитнинг нархидир. Бу тамойил қарзга олинган маблағлардан унумли фойдаланиш ва кредитни қайтариш муддатини тезлаштириш мақсадида корхона иктисодий таъсир кўрсатиш воситасидир.

Юқорида кўриб чиқилган тамойил асосида кредит олмоқчи бўлган миждозларга кредит пакети тайёрланади ва кредит олиш мумкин ёки мумкин эмаслигини таҳлил қилинади.

Кредит пакетини тайёрлаш ва уни таҳлил қилиш жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади:

1. Бунда қарз олувчи миждоз раҳбарининг мутахассислиги, ишбилармонлик қобилияти, хўжаликнинг бошқа хўжаликлар билан муносабатлари ва сўралаётган кредитни ишлатишдан мақсад қаби ҳолатлари аниқланади.

2. Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ва баҳолаш. Бу билан сўралган кредитнинг таваккалчилиқ даражасини аниқлаш, унинг қайтарилмаслик имкониятлари ва бошқа молиявий ҳолатлар аниқланади.

3. Сўралаётган кредитнинг баҳосини аниқлаш (фоиз ўрнатиш)

4. Кредит шартномасини тайёрлаш ва унинг кучга киритилиши.

Кредит олиш учун қарз олувчи ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини қуйидаги мазмунда таҳлил қилиши лозим:

- ўз маҳсулотини сотиш бозори, унга талаб ва таклифни ўрганиш;
- кредит олиш очун асос бўлувчи товар моддий бойликларни етказиб бериш, ишлаб чиқариш харажатлари ва товарларни реализация қилиш бўйича шартномалар билан таъминланганлиги;
- кредитланадиган тадбирларнинг самарадорлиги;
- қарз олувчи ҳисобварағига пул маблағларининг келиб тушиш даврийлиги;
- кредит ва унга тегишли фоизларни тўлаш манбалари;
- кредит учун тўланиши мумкин бўлган фоиз ҳисоб китоби ва унинг даврийлиги;
- олдинги давр (йил, чорак, ой) ги молиявий хўжалик фаолиятининг респектив таҳлили;
- жорий давр учун бизнес режа.

Хўжалик субъекти кредит олиш учун таҳлилий ва хомчўт маълумотларидан келиб чиққан ҳолда, кредит буюртмаси ва илтимосномасини тузади.

Илтимосномада кредит олиш зарурлиги, унинг самарадорлиги, қайтарилиши, тўлови ва таъминланиши, шунингдек, ўз капитали таркиби ва унинг кредитланаётган тадбирдаги иштироки батафсил баён қилинади.

Илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

- а) кредит буюртмаси;
- б) пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;
- в) Охирги ҳисобот даври учун бухгалтерлик баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва тўлов муддати 90 кундан ошган қарзларни қиёслаш далолатномалар талқини билан бирга;
- г) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- д) айланма маблағларини айланиши ҳисоб - китоби;

Кредит ходими юқорида қайд этилган ҳужжатларни олгач, уч кунлик муддатда қуйидагиларни аниқлайди:

- субъектларнинг кредит ва тўлов қобилияти, унинг рейтинг баҳосини, шунингдек кредит мақсадларининг устав фаолиятига мувофиқлиги, кредит турининг аниқлайди, бунда у мажбурий тартибда ликвидлилик, қоплаш, мухторият, қарз маблағларини жалб қилиш, фойда ва айланма маблағлари айланиши коэффициентларидан фойдаланади.

Кредит пакетини таҳлил қилишда нафақат кредит битимларининг турли соҳаларига, балки раҳбарнинг шахсий сифатларига ҳам баҳо берилади.

Тақдим этилган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиққач, банк ходими кредит битимини тузиш учун хулосани расмийлаштиради. Бунда қуйидагилар кўрсатилади:

- кредитнинг мақсади, муддати ва миқдори;
- кредит қайтарилишининг таъминланиши;
- фоиз миқдори ва бошқалар.

Умуман олганда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ликвидлик коэффициенти.
- қоплаш коэффициенти.
- мухторлик коэффициенти ва қўшимча кўрсаткичлардан, айланма маблағлар ҳолати ва айланиш коэффициентлари аниқланади.

Ликвидлилик ва қоплаш коэффициентлари қарзларни тўлаш учун ўз мулкини пулга айлантириш имконияти ҳақида далолат беради.

Ликвидлик коэффициенти.

$$Лк = \frac{\text{пул маблағлари} + \text{тез сотиладиган талаблар}}{\text{қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}};$$

Қоплаш коэффициенти.

1,2,3 – гуруҳ ликвид маблағлари

$$K_k = \frac{\text{Реализация қилинган махсулот ҳажми}}{\text{қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}};$$

Айланма маблағларнинг айланиши коэффиценти (Коб) жорий активларнинг айланиш тезлиги ва активларга тезлигини характерлаб, у маълум давр ичида айланма маблағлари неча марта айланганлигини ифодалайди:

$$K_{об} = \frac{\text{Реализация қилинган махсулот ҳажми}}{\text{айланма маблағларнинг ўртача хронологик қолдиғи}};$$

Коб ни ҳисоблаш айланишини прогнозлаш ва кредитлаш муддатини аниқлашга имкон яратади.

Шунингдек, айланма маблағларнинг кунларда айланишини ҳам ҳисоблаш мумкин, бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг бир марта (П-Т-И/Ч-Т-П) айланиши учун неча кун кетишини кўрсатади:

$$K_{айл} = \frac{\text{айланма маблағлар ўрт.қолдиғи} \times 360}{\text{реализация ҳажми}};$$

Айланма маблағлар айланишига қанча кам кун кетса, корхонанинг фойда олиши, бинобарин кредитни банкка тўлаши шунча тез амалга оширилади.

Молиявий мустақиллик ёки мухторлик коэффиценти:

$$M_k = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари}}{\text{баланс жами суммаси}} \times 100\%$$

Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Кредит бериш бўйича синфларга ажратишда қуйидаги талаблар ҳисобга олинади:

-жадвал

Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларига қараб миқозларни синфларга ажратиш бўйича талаблар³

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
Қоплаш коэф.(Кк)	$K_k > 2,0$	$2 > K_k > 1,0$	$1,0 > K_k$
Ликвидлилиқ коэф (Лк)	$K_l > 1,5$	$1,5 > K_l > 1,0$	$1,0 > K_l$
Мухторлиқ коэф (Мк)	$K_m > 60\%$	$60\% > K_m > 30$	$30\% > K_m$

Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича I синфга кирувчи миқозлар умумий талаблар асосида кредитланиши мумкин бўлганда уларга ишонч кредитлари

³ Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма-2003 йил.

ёки бошқа енгилликлар берилиши мумкин.

Агар мижоз II синфга таълуқли бўлса ва унинг қўшимча кўрсаткичлари ижобий бўлса, унга умумий асосда кредит берилиши, баъзи енгилликлар қўлланиши мумкин. Агар қўшимча кўрсаткичлари бўйича камчиликлар бўлса, унинг молиявий аҳволи нобарқарор деб топилиши ва уни тўғрилаш учун чоралар кўришни талаб қилиш, гаровни мустахкамлаш, фоиз ставкаларини ошириш, ссуданинг суммасини ва муддатини чеклаш чораларини кўриш мумкин.

III - синфга кирувчи мижозлар аниқ гаров ва юқори фоиз ставка асосида кредит олади.

Қисқача айтганда, кредитлаш жараёни юқоридагича ташкил этиш, банк рискларининг олди бирмунча олиниб, сифатли кредит портфели шаклланишига хизмат қилади.

Турли чет эл мамлакатларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашга турлича ёндашилади. Масалан АЎШда потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ва ўз навбатида кредит рискин минималлаштириш учун «Олти Си» усулидан фодаланилади:

- Мижоз характери (character)
- Қарз олиш қобилияти (capacity)
- Пул маблағлари (cash)
- Таъминот (collateral)
- Шартлар (conditions)
- Назорат (control)

Буюк Британияда ҳам «Parts» номли қарз олувчи қобилиятини таҳлил қилиш кенг таркалган бўлиб унда:

- Кредитнинг мақсади - Purpose
- Ссуданинг ҳажми - Amount
- Қарзни тўлаш - Repayment
- Муддати - Term
- Ссуданинг таъминланганлиги - Security кабилар таҳлил қилинади.

Кредитга лаёқатлиликини аниқлаш кредитлаш жараёнининг асосий томони ҳисобланади. Шу сабабли ҳам юқоридаги усулларни аниқ ва тўғри амалга ошириш кредитларнинг сифатини яхшилайти.

Тижорат банкларнинг операциялари унинг актив операциялари ичида асосий ўринни эгаллайди, шунинг учун банк кредит портфелининг сифати унинг фаолияти натижаларини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ҳар қандай банкнинг кредит портфели бошқариб турилади, чунки кредит портфели сифати, бошқа банк хизматлари сифатига нисбатан, рискни ва банк ишончилигини баҳолаш учун муҳимдир.

Молиялаштириш манбаларига ва қарз олувчининг минтақавий ўрни ва манзилига қараб тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш мумкин. Тижорат банклари таснифлашни асосан миллий валютада олиб борадилар ва баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар, масалан, Миллий банк ва шунга ўхшаш банкларда қаттиқ валютада ҳам ифодаланиши мумкин.

**АҚШда мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда
қўлланиладиган «6 Си» тартиби⁴**

Характер Character	Қобилияти Capacity	Пул маблағлари Cash	Таъминот Collateral	Шартлар Conditions	Назорат Control
Мижоз кредит тарихи Мижоз билан боғлиқ бошқа кредиторлар тажрибаси Кредит мақсади Прогнозлаштиришда мижоз тажрибаси Кредит рейтинги Сўралаётган кредит бўйича Иккинчи имзо ёки кафолат берувчи шахслар мавжудлиги.	Мижоз ва гарантнинг ҳақиқийлиги Низом, қарорлар, келишувлар ва қарз олувчи юридик статуси қунидаги бошқа ҳужжатлар нусхаси. Мижоз тарихи, юридик статуси, амалга оширадиган операциялари, товарлари, асосий мижозлари ва мол етказиб берувчилари баёни.	Ўтган даврдаги фойда, дивидендлар ва сотув ҳажми Режалаштирилаётган нақд пул оқими етарлилиги. Ликвид резервларининг мавжудлиги кредитор ва дебитор қарздорликни сўндириш муддатлари, товарматериал запасларининг айланиши. Капитал структураси ва лаверадж даражаси. Харажатлар назорати, коплаш кўрсаткичлари. Акциялар нархи динамикаси. Бошқариш сифати Аудиторлик ҳулосаси маъноси. Бухгалтерия ҳисобдаги охириги ўзгаришлар.	Активларга эгалик қилиш ҳукуқи Активлар хизмати муддати. Маъновий эскириш эҳ-тимоли. Қолдик қиймат. Активлар бўйича ихтисослик даражаси. Арест ҳукуқи, қарз ва чеклар. Лизинг бўйича мажбуриятлар. Клиент суғуртаси Гарантиялар кредитор сифатида позицияси Суд ишлари ва солиқ тўлаш ҳолати. Молиялаштиришга эҳтимол эҳтиёжлари.	Тармоқда мижоз ҳолати ва бозордаги мавқеи. Мижоз фаолияти натижаларини шу тармоқдаги бошқа мижозлар билан солиштириш Товар рақобатбардошлиги. Мижоз ва тармоқнинг иш жараёни ва технология ўзгаришига таъсирчанлиги. Ишчи кучи бозордаги шартлар. Инфляциянинг мижознинг баланси ва нақд пул оқими таъсири Тармоққа нисбатан узоқ муддати прогноз қоидалар, сиёсий факторлар ва табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ факторлар.	Банк фаолиятидаги тегишли қонунлар ва кредитлар характери ва сифати бўйича қоидалар. Назоратчилар учун тегишли қоидалар қарзни тан олиш ҳақидаги имзоланган ҳужжатлар ва кредит олиш учун тўғри тузилган ҳужжатлар Кредит заявқасининг банк кредит сиёсати-га тўғри келишлиги Чет шахслар (иқтисодчилар, сиёсий экспертлар) томонидан кредитни сўндириш процессига таъсир этувчи Ташкифакторлар

Тижорат банклари фаолиятида турли хил рисклар учраб туради. Лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ кредит rischi, ликвидлик rischi ва фойиз rischi таъсир қилади. Тижорат банклари фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йўналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 242 - сонли «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан резервлар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қоидаси»га асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубҳали» ва «умидсиз» ёки «ишончсиз» кредитларга таснифланади.

Яхши кредитлар. Кредитнинг бундай сифатда баҳоланиши мижознинг активлари, уларнинг ҳолати бўйича ҳеч қандай гумон йўқлигидан далолат беради. У молиявий жиҳатдан барқарор, хўжалик обороти юқори даражада

⁴ Г.С.Панова. Тижорат банкларининг кредит сиёсати – М.:ИКЦ «ДИС», 1997 йил.

Ўз капитали билан таъминланган, юқори рентабеллик кўрсаткичларига эга, дебитор ва кредитор қарзларнинг айланиш муддати қисқа бўлиши лозим. Бу кредит эгалари молиявий барқарор хўжалик субъекти бўлиб, у юқори даражадаги таъминотга эга бўлади. Бунда асосий эътиборни қарз олувчининг аввалги фаолиятидаги мажбуриятларига, муносабатларига, тез реализация қилинувчи активлар ва юқори ликвидли маблағлардан ташкил топган ишончли кредит таъминотига қаратиш зарур.

Ушбу тоифадаги кредитларда қайтарилмаслик белгилари мавжуд эмас, банклар учун зарар кўриш имкониятлари минимал даражада бўлади. Кредитнинг таъминланганлигининг (гаров, кафолат ва бошқалар) сифати, таъминланганликка олинган мол-мулк, гаров ва тез пулга айланадиган активлар ва юқори ликвид маблағлар салмоғининг кўплиги эътиборга олинади. Кредит бўйича олинган суммаси ва у бўйича фоиз ставкаларини тўлашга етарли бўлгандагина кредит таъминланган деб баҳоланиши мумкин.

Кредит бўйича барча ҳужжатлар қонун бўйича расмийлаштири-лиши ва банк зарур бўлганда кредитни ундириб олиш имкониятига эга бўлиши зарур (кредитнинг қайтарилмаслик эҳтимоли чекланган бўлади) кредитнинг бу гуруҳида мижознинг фаолиятидаги икки асосий амалга алоҳида эътибор бериш лозим.

Булар:

- мижознинг олдинги фаолиятидаги ўз мажбуриятларига бўлган муносабати;

- кредит бўйича аниқ таъминланганликнинг (гаров, кафолат, мулк ва бошқалар) бўлиши ва унинг тўғри расмийлаштирилганлиги.

Стандарт кредитлар. Бундай кредитлар бўйича вақти - вақти билан кредитни ўз вақтида қайтара олмаслик шароити юзага келади. Лекин кредитни белгиланган муддатда тўлай олмаслик бўйича унинг тўлов муддатининг узайтирилиши бир мартагина бўлиши ва кредитни ва у бўйича фоизларни тўлай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача, тўлиқ таъминланмаган кредитлар учун 30 кун бўлган муддатдан ошмаслиги лозим.

Олган кредити стандарт кредит деб топилган мижозларнинг молиявий аҳволи одатда барқарор бўлади, лекин маълум вақтинчалик сабаблар туфайли унинг фаолиятида салбий молиявий ҳолат юзага келган бўлиши мумкин. Бундай кредитлар қаторига яхши расмийлаштирилмаган кредитлар, гаров, таъминланганлиги бўйича тўғри ҳужжатлаштирилмаган ёки ҳужжатлар етарли бўлмаган кредитлар ҳам кириши мумкин. Бу кредитлар бўйича 10 фоиз атрофида резерв ташкил қилиниши зарур.

Субстандарт кредитлар. Бу гуруҳга кирувчи кредитлар уларнинг сифати етарли даражада эмаслигини билдирувчи аниқ белгиларга эга бўлади. Бу, асосан, кредитларнинг банкка қайтиб тўланишида маълум камчиликлар мавжудлиги ва кредитнинг таъминланганлиги сифатида қабул қилинган бошланғич манбалар, кредитни тўлаш учун етарли бўлмаслиги натижасида қарзни тўлаш учун қўшимча манбаларни топиш зарурлигини кўрсатади.

Субстандарт кредитлар қарз олувчининг ишончли, молиявий аҳволи ва тўлов қобилиятининг юқори даражаси билан химояланмаган. Бу кредитнинг

таъминланганлигини ташкил қилувчи манбалар маълум рисклар билан боғлиқлигини, кредитнинг жорий ҳолати бўйича етарли ахборотнинг мавжуд эмаслиги, гаров ҳужжатларида маълум камчиликлар мавжудлиги билан характерланади. Бу кредит бўйича 60 кундан 90 кунгача тўланмаган қарзлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу кредитлар молиявий аҳволи барқарор бўлмаган, корхонанинг тўловга лаёқатлилигида камчиликлар бўлган ҳолларда юзага келади. Субстандарт кредитлар бўйича 25 фоиз кредитлар тўланмаслиги мумкин деб хулоса қилиниши ва бу кредитлар бўйича тўланмаган қарзларни қоплаш учун 25 фоиз резерв ташкил қилиниши мумкин.

Шубҳали кредитлар. Бу кредитлар юқорида келтирилган гуруҳлардаги кредитларнинг барча салбий томонларини ўзида ифода қилиши билан биргаликда, тўлиқ таъминланганликка эга бўлмаган, тўланиш эҳтимоли кам бўлган кредитлар киради. Шу кредитлар бўйича олинган кредит яхши таъминланганликка эга бўлганида асосий қарз бўйича фоизлар тўлаш муддати 180 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган бўлса, зарар кўриш имконияти юқори, бироқ ушбу кредитларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган омиллар мавжудлиги сабабли уларнинг йўқотилган деб таснифланиши вақтинча тўхтатилади. Бу гуруҳга кирувчи кредитлар бўйича 50 фоизгача резерв ташкил қилиниши лозим.

Умидсиз ёки йўқотилган кредитлар. Бу кредитлар бўйича қарзларнинг тўланиш эҳтимоли деярли йўқ. Агар кредит тўлиқ таъминланмаган бўлса, энг камида битта муаммоли тавсифга эга бўлса, тўлов муддати 360 кундан ошган бўлса ҳамда кредитни «шубҳали» деб таснифлаб бўлмаса, бундай кредитлар «ишончсиз» деб ҳисобланади. Бу активлар жуда паст қийматга эга бўлиб, уларни активлар сифатида ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун банклар бу кредитларни ўз балансларида зарар сифатида ҳисобга олишлари мумкин. Ишончсиз кредитлар фойда ҳисобга, бунинг учун фойда етмаган ҳолларда эса банк сармояси ҳисобига балансдан чиқарилиши мумкин. Банк учун бу кредитлар зарар сифатида таснифланиши лозим.

Бир йил ва ундан ортиқ муддатда ҳаракатсиз бўлган активлар, муддати ўтган ва фоизлар бўйича қарзлар зарар сифатида тавсифланиши мумкин. Шу сабабли бу гуруҳга кирувчи кредитлар бўйича 100 фоиз резерв ташкил қилиниши лозим бўлади.

Тижорат банкларининг кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- биринчи даражали таъминотга эга бўлган;
- бошқа таъминотга эга бўлган;
- тўлиқ таъминланган;
- таъминланмаган ссудаларга бўлинади.

Биринчи даражада таъминланган кредитлар гуруҳига тўлиқ таъминланган кредитлар киради. Улар қуйидагилар билан таъминланади;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки розилиги билан биринчи синф хорижий банклари кафолати;
- эркин айирбошланадиган валютадаги гаров;

- Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари кўринишидаги гаров;

- стандартлаштирилган қимматбаҳо металл қўйилмалари кўринишидаги гаров.

Бошқа таъминотга эга бўлган ссудалар гуруҳига қуйидагилар:

- мол-мулк гарови;

- қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров;

- бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг кафолат хати ва бошқалар киради.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла – тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада тузилганлигига боғлиқ, банклар ўзларнинг кредит сиёсатига кўра миқдорларнинг таъминотини белгилашлари мумкин.

Юқорида айтганимиздек, тижорат банклари кредит портфели сифатини мунтазам таҳлил қилиб боришлари зарур. Бу кредитларни бошқариш, кредит портфели сифатини яхшилаш, шунинг натижаси ўлароқ банк фойдасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Тижорат банклари кредит портфелининг таҳлили

Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлиги ва рақобат-бардошлиги уларнинг ресурсларини тўғри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг депозит ва кредит портфелини ташкил қилиш, бошқариш, уни диверсификация қилиш соҳасида қатор ечилмаган муаммолар мавжуд. Маълумки, бозор иқтисоди кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг кредит сиёсати, уларнинг кредит портфели ва унинг сифати, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади, чунки кредит портфелининг тўғри ташкил қилиниши уларнинг самарали фаолияти кўрсатаётганидан далолат беради. Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банкларининг самарали фаолиятининг гаровидир. Унинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит рискларини камайтиришнинг омили ҳисобланади.

Банкларнинг кредит портфели, унинг ҳолати тўғрисида бирон фикр билдиришдан олдин, дастлаб кредит портфелининг иқтисодий моҳиятини тушуниб олишимиз лозим. Банкларнинг кредит портфели тўғрисидаги тушунча бизнинг амалиётимизга ва иқтисодий тушунчаларимиз сафига яқинда келиб қўшилган тушунчалардан ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодчилари ўртасида банкларнинг кредит портфели, унинг моҳияти, таркиби, унинг сифати бўйича таҳлили соҳасида илмий ишлар ўтказилиб, чоп қилинган эмас. Хорижий давлатлар иқтисодчилари томонидан юқоридаги мавзунинг баъзи томонларини очиб берувчи илмий ишлар чоп этилган. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва уни ташкил қилиш масалалари жуда долзарб ва баҳслашувни талаб қилувчи масалалардан бири ҳисобланади. Берилган кредитларнинг ўз вақтида банкларга қайтарилиши кредитлаш жараёнининг қай даражада ташкил қилинишига, кредит бериш ва қайтарилишининг муддатларига риоя қилинишига, ссудалар, айниқса муддати ўтган ёки узайтирилган кредитлар бўйича ҳисоб-китоб операцияларининг тўғри олиб борилишига, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш резерви миқдори, банклараро кредит ва марказлаштирилган кредитлар бўйича операцияларнинг қонунийлигига ва кредитларни тўғри туркумлаш бўйича банкларда ўтказиладиган аналитик операцияларнинг сифатлилиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Банклар томонидан бажариладиган барча кредит операциялар уларнинг кредит портфелида ўз ифодасини топиши, ҳар бир банк кредит портфелининг сифатли бўлишига эришиши зарур. Бу эса кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишига асос бўлиши мумкин.

Миллий валютадаги вакиллик ҳисоб варақларининг колдигига фойиз

тўланмаслиги тижорат банкларининг вакиллик ҳисоб варағида ортиқча пул маблағларини тўлашдан манфаатдорлигини йўқотади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жаҳоннинг ҳамма давлатларидаги тижорат банкларида кредит операциялари асосий салмоққа эга экан.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари таркибида ҳам кредит операцияларини ўрни салмоқли ҳисобланади.

-жадвал.

Мамлакатимиз тижорат банклари активларининг таркиби динамикаси*

№	Активлар**	2009		2010	
		млрд сўм	%	млрд сўм	%
1.	Касса ва нақд пул	315,14	2,97	335,07	2,38
2.	ЎзР Марказий банкидаги пул маблағлари	2238,89	21,11	2942,07	20,87
3.	Бошқа банклардаги пул маблағлари	1399,77	13,20	1948,09	13,82
4.	Қимматли қоғозлар	44,91	0,42	55,52	0,39
5.	Инвестициялар	178,31	1,68	428,99	3,04
6.	Ссуда ва лизинг, соф ҳолда	5480,80	51,68	6827,76	48,43
7.	Молиявий инструментлар бўйича мижозлар мажбуриятлари	95,77	0,90	304,97	2,16
8.	Асосий воситалар, соф ҳолда	352,85	3,33	454,22	3,22
9.	Ҳисобланган фоизлар	69,32	0,65	91,38	0,65
10.	Ссуда ҳисоб-китоблари бўйича соф активлар	11,84	1,05	140,13	0,99
11.	Бошқа активлар	315,93	2,98	570,29	4,05
	Жами активлар	10605,41	100,00	14097,31	100,00

Мамлакатимиз тижорат банклари активларини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда, бунда кредитлар энг катта салмоққа эга ва у жами активларнинг 48.43 фоизини ташкил этади. Кейинги ўринда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги пул маблағлари туради ва унинг салмоғи 20.87 фоизни ташкил этади. Бошқа банклардаги пул маблағлари эса 13.82 фоизга тенг.

* Рейтинговое агентство «Ahbor-Reyting»/ Аналитический обзор банковского сектора: №22, февраль 2011г. 22 с.

** «Ahbor-Reyting» аналитик кузатувида қатнашган 28 тижорат банклари маълумотлари

-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг 01.01.2011 йил ҳолатига асосий кўрсаткичлари*

№	Кўрсаткичлар номи	01.01.2010	01.01.2011	Ўзгариши	
				млрд. сўм	%
1	Банк капитали	3010,4	4100	1089,6	36,2
2	Жами активлар суммаси	15703,1	20740	5036,9	32,1
3	Жами кредит қўйилмалари	8558,2	11500	2941,8	35
4	Жалб қилинган депозитлар суммаси	8703,1	13200	4496,9	51,7
5	Аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблағлари	2914,2	4447	1532,8	52,6
6	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори	1928	2700	772	40,0

2010 йилда республика банк тизимининг асосий кўрсаткичлари ўзгаришининг динамикаси, тизимнинг барқарор ривожланиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 36,2 фоизга ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига 4 100,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Банklar томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 52 фоизга ошиб, 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра 13,2 трлн. сўмга етди. Жумладан, аҳолининг кредит ташкилотларидаги депозитлари ҳажми 1,5 баробарга ошиб, 4,4 трлн. сўмдан зиёдни ташкил этди.

Тижорат банкларининг умумий активлари 2010 йил бошига нисбатан 32,1 фоизга ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қарийб 20,8 трлн. сўмни ташкил этди.

Ўтган йилда банklar томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи 35 фоизга ошиб, 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра 11,5 трлн. сўмга етди.

* 2010 йилдаги макроиктисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили (www.cbu.uz)

Ўзбекистон Республикаси етакчи тижорат банклари активларининг таркиби (01.01.2010 йил ҳолатига)⁵

(фоиз ҳисобида)

Активлар	ТИФ Миллий банки	АТ Агро банк	ДАТ Асака банк	Саноат қурилиш банк	Траст Банк	Савдогар банк
Пул маблағлари	1,2	1,3	2,2	2,2	0,7	3,4
Кредитлар	51	72,6	48,1	75,8	17,3	59,8
Қимматбаҳо қоғозлар	0,3	0	1,2	0,7	0,7	0
Бошқа активлар	47,5	26,1	48,5	21,3	81,3	36,8
Жами активлар	100	100	100	100	100	100

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тижорат банклари активлари таркибида кредитлар сезиларли салмоқни эгаллайди. Айниқса Агро банк ва Саноатқурилиш банк амалиётида берилган брутто кредитларнинг салмоғи жуда юқори даражада сақланган. Энг паст кўрсаткич эса Траст банк амалиётида кузатилмоқда. Умумий ҳисобда тижорат банкларида активлари таркибида кредитлар салмоғи юқори эканлигини кузатиш мумкин. Бунга сабаб биринчи томондан, кредит операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган шарт –шароитлар бошқа операцияларга нисбатан яхшироқ ташкил этилган ва ривожланган булса, иккинчи томондан эса фойда олиш учун банклар кредит операцияларидан манфаатдордирлар.

Жадвал маълумотларида Трастбанк, Асака банк каби банкларда кредитларнинг кичик салмоққа эга эканлиги кўриниб турибди. Шуниси характерлики, бу банкларда қимматли қоғозларга қилинган қуйилмалар салмоғи ҳам юқори эмас. Бу ҳолат, биринчидан, банкларнинг молиявий ҳолати нобарқарорлигидан далолат беради; иккинчидан, мазкур банкларнинг миллий ссуда капиталлари бозоридаги мавқеи паст; учинчидан, банкларнинг муддатли ва жамғарма депозитлар базаси ҳам зифдир.

Таҳлил жараёнида айрим ўзига хос ҳолатларни назардан қочирмаслик лозим. Бундай ҳолатларга фикримизга, қуйидаги икки қолатни киритишимиз мумкин:

а) Республикамизнинг Агро банк, Ўзсаноатқурилишбанк каби йирик банкларида таҳлил қилинган пайтда марказлашган ресурслар ҳисобидан берилган кредитларнинг салмоғи юқори эди.

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий Миллий банки

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот материаллари асосида тузилди.


кредитларининг сезиларли қисми, айниқса банклараро кредитларнинг асосий қисми АҚШ долларидаги кредитларидир. Сўмнинг биржа курсининг пасайиб бориши бу кредитларнинг сўмдаги қийматини ўсишига олиб келади.

Мазкур ҳолатлар санаб ўтилган банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадларини ўсишига салбий таъсир қилади.

Мижозларнинг талаби ҳам актив операциялар ичида купрок кредитларга қаратилган. Шундай экан, тижорат банклари фаолиятининг даромад манбаи бўлган кредит операцияларини самарадорлигини оширишлари учун улар узларини оптимал кредит сиёсатларини ишлаб чиқишлари ва амалга тадбиқ қилишлари зарур ҳисобланади.

Мамлакатимиз тижорат банклари активларининг ўсишини куйидаги диаграммадан кўриш мумкин.

-диаграмма⁶



Банкларнинг жами активлари йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга. Айниқса 2010 йил мобайнида бу кўрсаткич барқарор ўсган. 2009 йил 1 январга тижорат банкларини умумий активлари 12 триллион сўмдан ошган бўлса, 2010 йил 1 январь ҳолатига эса 15,7 трлн. сўмдан ошиб кетди. 2011 йил 1 январдан эса 20,7 трлн сўмдан ошда ёки ўтган йилга нисбатан 32.1 фоиз ошди. Мазкур кўрсаткич аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробар кўп бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди. Банк тизимининг умумий жорий ликвидлилиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республика банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

-жадвал.

ОАТБ Агробанк активлари ва кредит қўйилмалари таҳлили.*

млрд сўм

Кўрсаткичлар	01.01.2010	01.01.2011	ўзгариши	
			млрд сўм	фоизда
Банк активлари	1378	1688	310	22,5
Банкнинг кредит қўйилмалари қолдиғи	1017	1043	26	2,6

2010 йил 31-декабрь ҳолатига банк активлари 1 трлн. 688 млрд. сўмни ташкил этиб, йил давомида 305 млрд. сўмга ёки 22 фоизга ўсди. Банк активларининг 66 фоизини ёки 1115 млрд. сўмини даромад келтирадиган активлар ташкил этди.

Банк томонидан ўз активларининг мақбул структурасини шакллантирган ҳолда, ликвидлилик ва даромадлиликни етарли даражасини ҳамда таваккалчиликларни минимал даражасини таъминлаш орқали молиявий ҳолатнинг барқарорлигига эришилди.

Банкнинг кредит сиёсатида асосий эътибор қўйилмаларнинг мунтазам диверсификацияси ва ушбу операциялар бўйича таваккалчиликларни камайтириш ҳамда мижозлар билан ўзаро манфаатдор муносабатларни шакллантиришга қаратилди. Банк кредит портфели (брутто) жорий йил бошига нисбатан 25 млрд. сўмга ошди ва ҳисобот даврига 1043 млрд. сўмни ташкил этди.

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда унинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилинганлигига алоҳида эътибор берилади. Чунки бу хусусият кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезони ҳисобланади.

* ОАТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

-жадвал.

**ОАТБ Агробанк кредитларининг иқтисодиёт тармоқлари
кесимида тақсимланиши таҳлили***

(01.01.2011 йил ҳолатига)

№	Тармоқлар	суммаси, млрд сўм	жамига нисбатан фоизи
1.	Саноат	128,6	10,33
2.	Қишлоқ хўжалиги	768,4	61,72
3.	Транспорт ва алоқа	0,9	0,07
4.	Аҳолига уй-жой қуриш ҳамда сотиб олишга	8,3	0,67
5.	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига	109,8	8,82
6.	Моддий-техника таъминоти	145,6	11,69
7.	Бошқа мақсадларга	83,4	6,70
	Жами	1245	100,00

2010 йилнинг 31-декабрь ҳолатига Агробанк кредит қўйилмаларининг қолдиғи 1043,1 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан қарийб 65 фоизи инвестиция лойиҳаларига йўналтирилди. 2010 йил давомида иқтисодиётнинг турли тармоқларига 1245,2 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Шундан саноатга 128,6 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 768,4 млрд. сўм, транспорт ва алоқага 0,9 млрд. сўм, аҳолига уй-жой қуриш ҳамда сотиб олишга 8,3 млрд. сўм, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига 109,8 млрд. сўм, моддий-техника таъминоти 145,6 млрд. сўм ҳамда бошқа мақсадларга 83,4 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида такрор ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлиб, об-ҳавони ёмон келиши оқибатида мўлжалланган ҳосил етиштирилмаслиги мумкин. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг фаолиятига нисбатан салбий таъсир юзага келади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан олинган банк кредитларининг қайтмаслик эҳтимолини кучайтиради.

Яна бир нарсани ҳисобга олиш керакки, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона хом-ашё етказиб берувчи корхонага боғланиб қолмаслиги керак. Агар хом-ашё етказиб берувчи корхоналар кам бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг иши секинлашади ва хом-ашё монопол нархда сотиб

* ОАТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

олинади, ишлаб чиқарган маҳсулотининг баҳоси қимматга тушиб кетади ва натижада маҳсулотга талаб камаяди. Бу эса, корхонанинг олган кредитларини қайтарилмаслик рискинни оширади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар кредитлаш жараёнида тармоқ лимитларидан фойдаланишни зарур қилиб қўяди. Банклар тармоқ лимитини аниқлаш масаласига турлича ёндошадилар. Лекин уларнинг амалиётда қўллаётган лимитлари, умумий мазмунига кўра, икки гуруҳга бўлинади:

1. Тармоқ лимитлари.
2. Битта миқдори кредитлаш лимитлари.

Тижорат банклари ўзларининг кредит портфелининг сифатини яхшилаш мақсадида миқдорларни кредитлашнинг нафақат индивидуал рискларини, балки рискларнинг бир қатор умумий категорияларини ҳам таҳлил қилишлари шарт. Шунинг учун ҳам алоҳида миқдорларнинг кредитлаш лимитлари билан бир қаторда, кредит рискига учраш даражаси бир хил бўлган миқдорлар гуруҳи учун кредитлаш лимитлари ўрнатилади. Бу лимитлар битта тармоққа мансуб корхоналарга банкни боғлиқ бўлиб қолмаслигини олдини олиш мақсадида ўрнатилади. Амалиётдан маълумки, айрим тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси маълум бир вақт оралиғида юқориликча қолади, аynи вақтда, бошқа тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси анча паст бўлади. Банк амалиётида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги, Авиация саноати корхоналарининг рентабеллик даражаси паст. Бундай тармоқ корхоналарида банк кредитларининг юқори даражада тўпланиши банкларга сезиларли зарар келтириши мумкин.

Тармоқ лимитларини белгилашда таҳлил қилинаётган тармоқнинг жорий ҳолатини, ривожланиш истиқболларини, технологик ўзгаришларининг барқарорлик даражасини, тармоқда асосий харажат турларининг ўзгариши каби ҳолатларни баҳолаш зарур.

Тармоқ рискларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишда банклар ссудаларини беришда юзага келадиган, юқорида таъкидланган рискларга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш зарур. Бундай таҳлил натижасида ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш учун тегишли тизим қабул қилинади.

Халқаро банк амалиётида бундай тизим сифатида балларни ҳисоблаш тизимидан кенг фойдаланилади. Таъсир қилувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш асосида тармоқ учун рискнинг умумий рейтинг аниқланади. Тармоқ рискининг лимити белгиланган ссуда сўммасига нисбатан мутлақ сўммада ёки маълум фоизда белгилаб қуйиш лозим. Масалан, банк риск лимитини қишлоқ хўжалигига нисбатан белгиланган кредитларнинг 10 фоизи миқдорида белгилаб қуйиш мумкин.

Республикамиз банк амалиётида шунга ўхшаш тизимнинг йўқлиги иқтисодиёт тармоқлари бўйича мутлақ сўммада ёки фоизда лимитлар ўрнатилмаслигига олиб келган.

Тармоқ рискени аниқлагандан сўнг банк тармоқ лимитлари асосида кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банкнинг битта миждозга нисбатан кредитлаш лимитини аниқлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиши шарт деб ҳисоблаймиз.

- миждоз корхона раҳбарининг репутацияси;
- миждознинг активлари ва пассивларининг таркиби;
- миждознинг молиявий барқарорлиги;
- миждоз корхонанинг ривожланиш истиқболлари;
- банкнинг миждоз билан ўзаро муносабатлари;
- миллий иқтисодиётнинг умумий жорий ҳолати;
- Марказий банкнинг тижорат банкларини кредитлаш амалиётига нисбатан қўйган директив талаблари.

Тижорат банклари битта миждозга нисбатан белгиланадиган кредитлаш лимитларини миждозга кўрсатиладиган хизмат турига боғлиқ равишда белгилашлари ҳам мумкин. Чунки, улар битта миждознинг ўзига бир неча турдаги кредит хизматларини кўрсатади. Бунда кредитлаш лимитларини ҳар бир маҳсулот тури бўйича белгилаш мумкин ёки бу лимитларни битта умумий лимит сифатида белгилаш ҳам мумкин. Ҳар бир кредит маҳсулоти бўйича алоҳида лимит ўрнатилганда лимитларни турли амалиёт бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш тизими жорий этилади.

Бундай тизим банкка айрим амалиёт бўлинмалари кредитлаш лимитларини ишлатиб бўлган тақдирда ҳам кредит амалиётларини давом эттириш имконини беради. Лекин бўлинмалар бўйича лимитнинг умумий миқдори танланмаган. Айтайлик, кредит бўлинмаси ўзининг лимитини тўлиқ ишлатиб бўлди, лекин ҳужжатлаштирилган операциялар бўлими ўзининг лимитини тўлиқ ҳажмда ишлата олмайди, дейлик. Бундай ҳолатда лимитнинг қолган қисми ҳисобидан миждозга бериладиган кредит миқдори кўпайтирилиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кредитни қайтарилмаслик рисқи доимо мавжуддир, фақат бу рискни камайитириш мумкин. Рискни камайитириш жараёнида барча зарур жараёнларни аниқ бажариш талаб этилади.

Тижорат банкларининг кредит амалиётларининг самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири кредитларнинг тури ҳисобланади. Кредитлар республикамиз банк амалиётида турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

1. Қисқа муддатли кредитлар (бир йилгача муддатдаги).
2. Узоқ муддатли кредитлар (бир йилдан ортиқ муддатдаги).

Кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Ғарбий Европа мамлакатларида кредитлар муддатига кўра уч турга бўлинади-қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар. Бунда қисқа муддатли кредитларга бир йилгача муддатга бериладиган кредитлар, ўрта муддатли кредитларга бир йилдан беш йилгача муддатга бериладиган кредитлар ва узоқ муддатли кредитларга беш йилдан ортиқ муддатга бериладиган кредитлар киради.

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узоқ муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш

қисқа муддатли кредитлаш амалиётининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Бунинг боиси шундаки, қисқа муддатли кредитлар узоқ муддатли кредитлардан кредитлаш объекти бўйича кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шакллариға ҳам ўз таъсирини ўтказади.

-жадвал

ОАТБ Агробанк кредит портфелида кредитларнинг муддати бўйича таркибий таҳлили.*

фоиз ҳисобида

Кўрсаткичлар	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Кредитлар, жами:	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
-қисқа муддатли	34.6	38.0	42.0	35.5	37.0	31.0	35.0
-узоқ муддатли	65.4	62.0	58.0	64.5	63.0	69.0	65.0

Ўтган йили ОАТБ Агробанкнинг қисқа муддатли кредитлари 35 фоизни ташкил этган, узоқ муддатли кредитлари эса 65 фоизни ташкил этади.

2010 йилнинг 31-декабрь ҳолатига Агробанк кредит қўйилмаларининг қолдиғи 1043,1 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан қарийб 65 фоизи инвестиция лойиҳалариға йўналтирилди. 2010 йил давомида иқтисодиётнинг турли тармоқлариға 1245,2 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Шундан саноатға 128,6 млрд. сўм, қишлоқ хўжалиғига 768,4 млрд. сўм, транспорт ва алоқаға 0,9 млрд. сўм, аҳолиға уй-жой қуриш ҳамда сотиб олишға 8,3 млрд. сўм, савдо ва умумий овқатланиш корхоналариға 109,8 млрд. сўм, моддий-техника таъминотиға 145,6 млрд. сўм ҳамда бошқа мақсадларға 83,4 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Агробанк чорвачиликни ривожлантириш билан бирға паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларини ҳам мукаммал шакллантириш ҳамда улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида бошланган изчил саъй-ҳаракатларни молиявий қўллаб-қувватлашға алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йили паррандачилик тармоғини ривожлантириш тадбирлариға 17,4 млрд. сўм, балиқчиликни кенг йўлга қўйиш мақсадлари учун 2,7 млрд. сўм, асаларичиликни молиявий қўллаб-қувватлашға 2,2 млрд. сўм кредит ажратилди.

Кейинги йилларда мамлакатда иссиқхона хўжаликларини барпо этиш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Агробанк иссиқхоналар ташкил этишға қаратилган қарийб 268 та лойиҳани амалға ошириш мақсадлари учун 12,1 млрд. сўм кредит ажратди. Шунинг ҳисобидан 1512 та янги иш ўринлари яратилди.

* ОАТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ҳамда ихчам ускуналар сотиб олиш учун 147 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 15,1 млрд. сўм кредитлар ҳисобига 1114 та иш ўринлари ташкил қилинди.

Томчилатиб суғоришни ташкил этишга 18 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1,8 млрд. сўм ҳисобига 73 та янги иш ўринлари яратилди.

Уй-жой қурилишига дастлабки сармояни шакллантириш учун банк томонидан 2289 та фермер хўжалигига 47 млрд. 986 млн. сўм қисқа муддатли кредит ажратилди.

2010 йил давомида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан 155 та хўжаликка сабзавот маҳсулотлари уруғлари учун 139,9 млн. сўм, уруғлик картошка учун 1992 та хўжаликка 15,5 млрд. сўм, мева кўчати учун 64 та хўжаликка 1,2 млрд. сўм, узум кўчати учун 4 та хўжаликка 70 млн. сўм микрокредит ажратилди.

Қишлоқ хўжалигини юқори унумли қишлоқ хўжалик техникалари, агрегатлар билан таъминлаш мақсадида ҳисобот йилида фермер хўжаликларига 41 та комбайн учун 4,2 млрд. сўм, 165 та хайдов трактори учун 7,4 млрд. сўм, 573 та чопик трактори учун 14,7 млрд. сўм, бошқа қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатлар хариди учун 3,8 млрд. сўм, эҳтиёт қисмлар учун 2,3 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Банк қишлоқ хўжалигига молиявий ёрдамни кучайтириш мақсадида ўтган йили кўплаб чет эл кредит линияларидан ҳам фойдаланди. Хусусан, Халқаро Тараққиёт уюшмаси кредит линияси ҳисобидан “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич” лойиҳаси доирасида 12,2 млн. АҚШ доллари ҳамда 7,4 млрд. сўм миқдоридаги маблағларни ўзлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида Агробанк жуда катта миқёсда ишларни амалга оширмоқда. Банк томонидан кредит маблағлари иқтисодиётнинг реал секторларига, шу жумладан аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ихчам минитехнологияларни сотиб олиш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ажратилмоқда.

Банк томонидан 2010 йил давомида кичик бизнес субъектларининг 29 630 та лойиҳаси молиялаштирилди, берилган кредитларнинг умумий ҳажми 283,3 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 103 фоизга бажарилди. Бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатдан 86,7 млрд. сўмга ёки 144 фоизга ошди.

Агробанк томонидан 2010 йилда кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар ҳажми янада ортди. Берилган микрокредитлар 57,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 137 фоизга ошди. Мазкур ажратилган микрокредитлар ҳисобига 13 904 та янги иш ўринлари яратилди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2009 йил 28-январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли Қарорига асосан рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш

учун 47,6 млрд. сўм кредит ажратилди ҳамда ўрнатилган прогноз 129 фоизга бажарилди.

“Баркамол авлод йили” давлат дастури ижроси доирасида 179,5 млрд. сўм кредит ажратилди. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига 30 332 та янги иш ўринлари яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29-июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 299-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида республикада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2010 йилда 28,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида бандлик масаласини ҳал этишда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси ролини кучайтириш мақсадида ҳисобот йилида 16,0 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди. Бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатдан 1,6 мартага ошди, улар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони 3 108 нафарни ташкил этди.

Банк томонидан оилавий касаначиликни ривожлантириш, аҳолига қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш мақсадида 4,0 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида 1220 нафар янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

2010 йилда ажратилган кредитлар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 65,4 млрд. сўмни ташкил этди ҳамда 2009 йилга нисбатан 119 фоизга ошди.

Худудларни ривожлантириш бўйича Ҳукумат томонидан тасдиқланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Тасдиқланган дастурлар асосида ўтган давр давомида 306 та лойиҳаларни молиялаштириш учун 13,2 млрд. сўм кредит ажратилди.

2010 йилда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун Ислом хусусий секторни ривожлантириш ассоциациясининг 5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилди ва лойиҳаларни молиялаштириш бошланди.

Агробанк ва Осиё Тараққиёт Банки ўртасида 20,0 млн. АҚШ доллари миқдорида иборт бўлган “Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш. II босқич” лойиҳаси бўйича кредит шартномаси имзоланди. Ушбу лойиҳанинг мақсади республикада микромолиялаштиришни янада ривожлантириш ҳисобланади. Шунингдек, Агробанк Осиё Тараққиёт Банкнинг савдони молиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига киритилди ва револьвер кредит тўғрисида келишув имзоланди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида жорий йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан банкимиз томонидан ўз олдида мазкур соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмини 2011 йилда кескин ошириш мақсад қилиб қўйилди.

Тижорат банкларини кредитлар буйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллари таҳлили натижасида Ғарбий Европа банкирлари ички омилларни таъсири куп деган хулосага келдилар. Жаҳон Банки маълумотларига кура кредит йўқотишларини 67 фоизига банкнинг ички омилларига сабаб булса, 33 фоизи эса ташқи омиллар сабаб булади.

-жадвал.

Муаммоли кредитлар келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар*.

Ички омиллар	67%	Ташқи омиллар	33%
Таъминот етишмаслиги	22%	Компаниянинг банкротлиги	12%
Кредит аризаси таҳлил қилинганда нотўғри баҳолаш	21%	Кредиторлар ҳақларини талаб қилишлари	11%
Мижоз фаолиятини яхши ўрганмаслик	18%	Оилавий муаммолар	6%
Таъминотнинг ёмонлиги	5%	таъмагирлик	4%
Бошқа ички омиллар	1%		

Кредит йўқотишларига таъсир қилувчи ички омиллар ичида асосий ўринларни кредит учун таъминотнинг етишмаслиги ҳамда мижоз фаолияти ва аризасини яхши таҳлил қила олмаслиги ҳисобланади. Шуниси характери, республикамиз миллий банк тизимида ҳам кредитнинг ҳайтмаслигига сабаб булувчи бирламчи омиллар ана шулардир. Лекин республикамизда бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Кредит портфелини тармоқ буйича таҳлил қилиш тижорат банки кредит сиёсатини стратегия ва тактикасини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Жаҳон банк амалиётидан шу нарса маълумки, банк кредитлари 50 ва ундан ортиқ қисмини битта тармоқ корхоналарида тўпланиши одатда банк фаолиятида молиявий қийинчиликларини вужудга келтиради. Чунки, тармоқда фойда нормасини пасайиши, бу корхоналарга берилган кредитларнинг қайтмаслик ҳолатларини юзага келтиради. Чунки, кредит корхонанинг операцион фойдасидан тўланади.

Муддатида қайтмаган ссудаларни бошқариш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики унинг асосий сабабларидан бири мижозларини кредитган лаёқатлилигини баҳолаш тизимидаги камчиликлардир.

Ҳозирги кунга қадар мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш асосан учта асосий кўрсаткич асосида амалга оширилар эди. Булар – қоплаш коэффиценти, ликвидлилик коэффиценти ва мухторлик

* Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юристъ, 2002. – 457 с.

коэффициентларидир. Ушбу кўрсаткичлар кредитга лаёқатлиликини асосий омили бўлган пул оқимини баҳолаш имконини бермайди. Ҳолбуки, пул оқими заиф бўлган мижозлар кредитни қайтаришда жиддий қийинчиликларни бошдан ўтказадилар. Бундан ташқари республикаимиз банк амалиётида ҳозирги кунга қадар кредит олувчининг шахси асосий кузатув объекти сифатида ўрганилмайди. Хорижий мамлакатларда эса ҳар бир мижоз шахси бўйича маълумотлар тўплаб борилади. Мижознинг кредит тарихи ўрганилади. Унинг репутациясига баҳо берилади. Бунинг натижасида мижознинг ўз мажбуриятини бажаришга бўлган маъсулияти аниқ бўлади.

III-БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит сиёсатини бошқаришни такомиллаштириш йўллари

Ўтган йилда банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва Қарорларида белгилаб берилган банк тизими барқарорлигини янада кучайтириш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларига қаратилди, хусусан:

тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш;

аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш тадбирларини кенгайтириш;

банкларнинг инвестицион фаоллигини, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялашдаги ролини ошириш, банкрот ҳолатидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклашдаги иштирокини янада кучайтириш;

аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш борасидаги вазифалар ижроси таъминланди.

Лекин шу билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам мавжуд:

1. Республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида, шу жумладан, ОАТ Агробанкда кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаган. Кредитларнинг 60 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўйилган. Бу эса, кредит rischi муаммосини кескинлашишига олиб келади. Бунинг боиси шундаки, банк кредитларининг асосий қисми жойлаштирилган тармоқда фойда нормасининг пасайиши муддати ўтган кредитлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади.

2. Тижорат банклари ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибасининг етишмаслиги.

Бу шубҳасиз, муаммоли кредитларни ва кредит маблағларини ўз вақтида унмаслик ҳолатини вужудга келтирувчи бош омиллардан биридир. Чунки хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходими томонидан тайёрланган кредит йиғма жилди доимо қўшимча назоратни талаб этади. Лекин банкларда хизмат турларининг кўплиги ва энг асосийси, хўжалик субъектлари билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг етишмаслиги натижасида малака ва тажрибасиз ходимлар хулосаси асосида молиявий аҳволи ночор бўлган корхоналарга кредит бериш ҳолатлари юзага келмоқда. Чунки, хўжалик субъектлари билан ишлашда малака ва тажрибаси бўлмаган ходимлар кредит олувчининг ҳисоботларини таҳлил этишда кўпроқ компьютерга жойлаштирилган дастурлардан фойдаланадилар. Бу эса, кўпинча

кредит олувчининг молиявий аҳволини тўлиқ ва тўғри баҳолаш имконини бермайди. Мижозлар томонидан кўпинча ўзларининг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражасини юқори қилиб кўрсатиш мақсадида ҳисоботлардаги кўрсаткичларни асоссиз ўзгартириб тақдим этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Компютер банк ходимлари ишини анча енгиллаштирди. Лекин компютер инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки компютердаги дастурлардан онгли равишда фойдаланилган тақдирдагина иш унумли бўлади.

3. Банк кредит қўмиталарининг, айрим ҳолларда, ўз ваколати ва вазифасига совуққонлиқ ва маъсулиятсизлиқ билан қараши.

Бу омил тижорат банклари кредит бериш механизмининг асосий боғловчи ва муҳим элементиدير. Бошқачароқ қилиб айтганда, айнан кредит қўмитаси кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролни бажаради.

Айрим тижорат банкларида кредит қўмитаси мажлислари ўтказилмай, расмийлаштириш учун тузилган баённомаларга имзо қўйиш ҳоллари ҳамда қўмита аъзолари юз фоиз овоз бермаган ҳолларда ҳам кредит бериш юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айнан шундай ҳолатлар ҳам муаммоли кредитлар миқдорини янада ошишига олиб келмоқда.

4. Тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазифалари тақсимотини тўғри ташкил этилмаганлиги.

Банк муассасалари банклараро рақобатда нафақат ўз ўрнини сақлаб қолиш, балки етакчи банклар қаторидан жой олиш мақсадида шунингдек, мижозлар кўнглига қараш мақсадида, деярли кун бўйи уларга хизмат қилиш тартибини жорий этмоқдалар. Натижада, кун бўйи мижоз топшириғи билан банд бўлган кредит бўлинмаси ходимларини мижозларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил этиш билан шуғулланишга вақт ажратиши қийин кечмоқда. Бу эса, банк учун мижознинг хўжалик-молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслиқ ҳолатини келтириб чиқармоқда. Банкнинг мижоз хўжалик-молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, мижознинг банкнинг кредит маблағи ҳисобига ишлаб чиқарган ёки ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотига талаб даражасини ўрганиб чиқмасдан, маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватини таҳлил этмай туриб кредит бериши, албатта, муаммоли кредитлар вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

5. Мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес режаларни банклар томонидан етарли даражада таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномаларини тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги.

Банклар учун кредитни расмийлаштириш жараёнида ҳам, кредит маблағидан фойдаланиш жараёнида ҳам асосий эътиборни қарздор томонидан тузилган бизнес режани таҳлил этиш ва таҳлилни давом эттиришга қаратишлари зарур. Лекин бизнес режаларга кредитор томонидан ҳам, қарз олувчи томонидан ҳам кредит амалиёти учун талаб этиладиган расмий бир ҳужжатдек ёндошилади. Ҳолбуки, айнан бизнес режа мижознинг

маблағларидан фойдаланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим бир ҳужжатдир. Лекин банкларда бизнес режалар кредитни расмийлаштириш давридагина ўрганиб чиқилади. Ўрганилганда ҳам бизнес режадаги охириги натижанинг ижобий эканлиги, яъни мазкур фаолият натижасида олинадиган фойда қисмигина банкларни қизиқтиради. Ваҳоланки, кредит олишни мақсад қилиб олган мижоз албатта фаолият натижасида олинадиган фойда миқдорини шундай даражага етказиб ҳисоблайдики, натижада, банк учун қарздор томонидан кредитни қайтариш хавфи йўқдай туюлади. Шунинг учун ҳам бизнес режалар мижозлар томонидан деярли бир бирига ўхшаш ҳолатда тузилмоқда. Муаммоли кредитлар тарихи таҳлил этилганда, аксарият ҳолларда бизнес режаларнинг расмийлаштирилиши учунгина тузилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳолбуки, банклар томонидан мижознинг кредит маблағидан фойдаланиш жараёнини ўз ичига олган бизнес режаси асосида ҳўжалик фаолиятини доимо таҳлил этиб борилиши кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришнинг гаровидир. Расмийлаштирилиши учун тузилаётган бизнес режаларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг қай даражада иқтисодий саводсизлик оқибатида тузилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, баъзи бизнес режаларда кредит маблағига аҳоли учун зарур бўлган газлама маҳсулотини сотиб олишлари ва аҳоли эҳтиёжлари учун савдо қилишлари ҳақидаги ҳисоб-китобларни келтириб ўтадилар. Ҳисоб-китобларга кўра, кредит маблағининг айланма маблағ сифатида айланиш даражаси, масалан, кредит 12 ойга берилган бўлса, айланиш 60 кун, яъни, бир йилда олти маротаба айланишини асослаб берадилар. Ҳолбуки, бозор иқтисодиётида талаб ва таклифнинг мутасил ўзгариб туриши ҳеч кимга сир эмас. Бозорга бугун шойи матога талаб бўлса, бир ойдан сўнг умуман пахтадан бўлган газлама маҳсулотларга талаб бўлиши мумкин. Савдода айнан бир турдаги маҳсулотларда йил давомида бир хилда талаб бўлиши ва унинг савдосидан бир хил меъёрда даромад олиниши мумкин эмас. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнига доир бизнес режаларда ҳам ҳеч бир иқтисодий асосларсиз ҳисоб-китоблар келтирилади: масалан, кредит маблағларидан фойдаланиш муддати уч йил белгиланган бўлса, бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари таркибини бир йил учун ҳисоблаб, кейин уни уч йилга кўпайтириб асослайдилар, ваҳоланки, харажатлар таркиби йилдан-йилга ўзгариб бориши, айнан бир турдаги маҳсулотга бўлган талабни ўзгариб бориши ҳеч кимга сир эмас. Худди шундай бизнес режага асосан кредит олган мижознинг кредитни қайтара олмай қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Банк-мижоз кредит муносабатларни тартибга солувчи шартномаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлиги кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш борасидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Банк ва мижоз ўртасида тузилаётган кредит шартномаларини ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан тўғри расмийлаштирмаслиги ва мижозларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари натижасида томонлардан бирининг манфаатларига зид бўлганда кичик бизнес, деҳқон-фермер ва хусусий

тадбиркорлар ҳуқуқи поймол этилган ҳолатлар акс этган шартномалар ҳам учрамоқда.

Банк-мижоз кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва кредитлаш қоидаларида тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторингни амалга ошириб борилиши, яъни қарздорнинг молиявий ҳўжалик фаолияти унинг тузилган шартномаларга(бюртмаларга) мувофиқ, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлик динамикаси, товар-моддий бойликлар заҳираларининг аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши бизнес режа кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда таҳлил этиб борилиши белгиланган бўлсада, банklar томонидан бу талаблар деярли бажарилмай, муаммоли кредитлар юзага келиш хавфининг олдини олиш имкониятига салбий таъсир этмоқда.

Кредит маблағлари таъминотида қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий моҳияти етарли даражада таҳлил этилмасдан расмийлаштирилмоқда.

Амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжат талаблари асосида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган кредит бериш тартиблари гарчи кредит беришнинг асосий тамойилларига асосланган бўлсада, кредит бериш тартибларида таъминланганлик тамойилига риоя этишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлил этиш тартиби мавжуд эмас. Айнан шундай тартибларнинг кредит бериш қоидаларида белгиланмаганлиги, банklarнинг ноликвид таъминот ёки мажбурият ижросини таъминлай олмайдиган таъминот усулларида фойдаланишларига олиб келмоқда.

Мажбурият ижроси таъминотларига белгиланган амалдаги қонун талабларининг амалиётда юзага келаётган муаммолар ечимини топиш учун етарли эмаслиги кузатилмоқда.

Мажбурият ижросининг лозим даражада бажарилишини таъминлаш учун белгиланган амалдаги қонун талаблари қай даражада мукамал тузилган бўлмасин, юзага келаётган муаммолар ечимини ижобий ҳал этишда мураккаб вазиятлар, асосан, учинчи шахсларнинг жавобгарлиги асосида мажбурият ижросининг таъминлашнинг кафиллик, гаров усулларида фойдаланиш жараёнида юзага келмоқда.

Масалан, мажбурият ижроси таъминотида учинчи шахс кафиллиги олинганда гарча амалдаги қонунчиликда (Фуқаролик Кодексининг 293-моддаси) кафил кредитор олдида қарздор билан барабар ҳажмда жавоб бериши, шу жумладан, фоизлар тўпланиши қарздорнинг мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлаш лозимлиги белгиланганлигига қарамай, мажбурият ижросининг берилмаслик ҳолатлари аксарият, айнан учинчи шахслар кафиллик таъминотида тўғри келмоқда, яъни мажбурият ижроси талаб этилган даврда кафил шахс тўлов қобилиятининг йўқлиги туфайли

юзага келаётган муаммолар натижасида мажбуриятларнинг ижро этилмай қолиш хавфининг юзага келишидир.

6. Мижозларнинг сезиларли қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги муаммоси.

Кредитнинг таъминланганлиги деганда, бериладиган кредитнинг қайтарилиши аниқ моддий қимматликлар, пул хужжатлари ёки пул маблағларини олишга бўлган ҳуқуқ билан қафолатланган бўлиши тушунилади. Кредитни таъминланганлиги аниқ гаров объектини тегишли тартибда расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Лекин айрим ҳолларда, масалан, йирик мижозлар кредитланаётганда гаров сифатида аниқ шаклга эга бўлган гаров объекти эмас, балки умумий активлар олиниши мумкин.

Гаров объектлари ликвидлилик даражасига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Халқаро банк амалиётида юқори ликвидлилик даражасига эга бўлган объектлар биринчи тоифали гаров объектлари деб аталади ва уларга қуйидагилар киради:

- ер;
- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари;
- Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар;
- корхоналарнинг ҳукумат томонидан қафолатланган қимматли қоғозлари.

Ер гаров объекти сифатида амалиётда жуда кадрланади, одатда ернинг баҳоси доимий равишда ўсиб боради ва у барқарор ҳисобланади. Айниқса, ривожланаётган давлатларда ернинг баҳоси сезиларли даражада юқори суръатлар билан ўсади, шунинг учун ҳам ерни гаровга олиш асосида кредитлаш молиялаштиришнинг нисбаттан хавфсиз шакли ҳисобланади. Бунда банклар исталган вақтда гаровга олинган ерни сотиш йули билан кредит ва унинг фоизини ундириб олишларига қаттиқ ишонадилар. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ердан гаров сифатида фойдаланиш учун ҳуқуқий асослар етарли бўлиши лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикасида ер фондининг мутлақ асосий қисмига нисбаттан хусусий мулкчилик ҳуқуқи мавжуд эмас. Кишлоқ хўжалигида фермерларга ерлар узоқ муддатли ижарага берилган, фақатгина ижара ҳуқуқидан банк кредитлари учун гаров сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари дунёнинг деярли барча мамлакатларида юқори ликвидли гаров объекти сифатида тижорат банклари томонидан тан олинади Бразилия, Аргентина ва Россия давлатларида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига нисбатан сезиларли даражада ишончсизлик кайфияти мавжуд. Бу кайфият ушбу мамлакатлар ҳукуматларининг дефолт ҳолатларига йул қўйганлиги билан изоҳланади. Лекин бундай давлатлар кўпчиликлари ташкил этмайди.

Ҳукуматнинг қисқа ва узоқ муддатли қимматли қоғозлари мавжуд бўлиб, улардан кредитлар олишда гаров сифатида фаол тарзда фойдаланилади. Лекин Ўзбекистон Республикасида ушбу объектлардан гаров сифатида фаол тарзда фойдаланиш учун реал шарт-шароит мавжуд эмас. Яъни, биринчидан, Ўзбекистон ҳукуматининг фақат олти ойдан бир йилгача

муддатга чиқарилган қимматли қоғозлари мавжуд. Бу эса, улардан гаров сифатида фойдаланиш имкониятини чегаралаб қўяди. Иккинчидан, ҳукуматнинг қимматли қоғозларининг эмиссия қилинган миқдори нисбатан кичик.

Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар, шубҳасиз, юқори ликвидлилик хусусиятига эгадир. Чунки тижорат банки Марказий банкдан ўзига ажратилган қайта ҳисобга олиш контингенти доирасида исталган вақтда тратталарни топшириб, пул маблағлари олиши мумкин. Марказий банк эса, одатда, тўловга қобил субъект ҳисобланади. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида тратталарни Марказий банкда қайта ҳисобга олиш амалиёти мавжуд эмас.

Айни вақтда, тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлардан ҳам ликвидли гаров объекти сифатида кенг қўламда фойдаланадилар.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш, фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бунинг учун эса, қуйидаги амалий таклифлар ва тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитларнинг салмоғини камида 60 фоизга етказиш лозим.

Кредитлар бериш тижорат банклари фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга бўлган йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли, халқаро банк амалиётида кредитларнинг активларнинг умумий ҳажмидаги салмоғига нисбатан меъёрий-услубий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич пайдо бўлди. Ушбу кўрсаткичнинг минимал даражаси 60 фоиз миқдорида қайд этилади.

Кредитларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 60 фоиздан кам бўлмаган даражаси таъминланган шароитдагина тижорат банки жами фоизли даромадларининг асосий қисмини кредитлардан олинган фоизлар ҳисобидан таъминлаш имкони юзага келади. Бу эса, тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Кредитларнинг республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини камида 60 фоизни ташкил этишига эришиш лозим. Бу эса, тижорат банкларининг даромад келтирмайдиган активлари-мажбурий заҳира ажратмалари сўммаси, «Ностро» вакиллик ҳисобварақларининг қолдиғи, асосий воситалар миқдорини камайтиришни тақозо қилади.

2. Республикамиз тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш лозим.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, кредитларнинг 40 фоиздан ортиқ қисми битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланган. Бу эса, банкнинг кредит рискига учраш даражасини кескин оширган. Халқаро банк амалиётида банк кредитларининг 30 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши кредит рискин кескин оширган омил сифатида эътироф этилади. Шу сабабли, республикамиз банклари кредитларининг 30 фоиздан ортиқ

қисмини битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқдир.

Банк кредитларининг асосий қисми тўпланган тармоқ корхоналарида фойда нормасининг пасайиши ушбу банк кредитларининг сезиларли қисмини қайтмаслигига олиб келади.

Кредит портфелининг диверсификация даражасини тависфловчи асосий мезон сифатида кредитларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлашишининг 30 фоизлик максимал даражасини олиш лозим.

3. Тижорат банклари миқдорларининг асосий қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, банкларда миқдорларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий коэффициентлар тизимидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида миқдорларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда уларнинг пул оқимини баҳолаш усулидан кенг кўламда фойдаланилади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур мамлакатларда молия бозорлари яхши ривожланган, барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланган. Бундай шароитда молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналарда пул оқими ҳам барқарор бўлади. Кредит эса, пул оқими ҳисобидан қайтарилади. Шунинг учун ҳам, мазкур мамлакатларнинг банк амалиётида гаров таъминоти асосида кредитлаш амалиёти ривожланмаган.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда молия бозорлари ривожланмаган, макроиқтисодий барқарорликка эришилмаган. Бу омиллар, пировард натижада, корхоналар пул оқимининг заифлиги ва нобарқарорлигига олиб келади. Бундай шароитда молиявий коэффициентлар асосида корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида корхоналарнинг пул оқимини заифлигини шундан ҳам билса бўладики, мутлақ ликвидлилик коэффициентининг даражаси 0,25 дан паст бўлади. Бу эса, корхоналарга тегишли пул маблағлари миқдорини уларнинг қисқа муддатли мажбуриятларига нисбатан жуда кичик эканлигининг оқибатидир.

Республикамызда банклараро рақобат муҳитини ривожлантиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш учун йирик тижорат банкларининг миллий банк тизими активлари ва пасивларини шакллантиришдаги ўрни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қиламиз.

Тижорат банклари активларининг миллий банк тизими жами активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини аниқлаш банкларнинг молия бозоридаги ўрнини баҳолаш имконини беради. Чунки тижорат банкларининг активлари кредитлар, қимматли қоғозлар шаклида ва бошқа шаклларда бўлиб, тижорат банкининг қимматли қоғозлар бозорида, ссуда капиталлари бозоридаги салмоғини характерлайди. Агар тижорат банкининг молия бозорининг маълум сегментидаги салмоғи ошиб борса, бу ҳолат, албатта, унинг активларини тегишли қисмини ошишига олиб келади. Аксинча,

тижорат банкининг бозор сегментидаги салмоғи пасайса, бу ҳолат тегишли актив тури миқдорининг камайишига олиб келади.

Республикамиз тижорат банклари активларининг сифатини баҳолашда халқаро «CAMEL» тизимидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Шунинг учун биз мазкур тизим асосида республикамизнинг йирик банклари активларининг сифатини баҳолаймиз. Назоратнинг «CAMEL» тизими рискни аниқлаш концепциясига асосланади ва рискни баҳолаш жараёнида “юқоридан пастга” ёндошувини қўллайди. Бунда банк кенгаши ва бошқарув аъзолари ўз банкларида риск даражасини мустақил равишда аниқлашлари ва бошқаришлари кўзда тутилади. Улар банкни бошқариш мобайнида банк тамойилларига мувофиқ, риск даражаси устидан назорат олиб боришга жавобгардирлар. Ушбу тамойиллар банкнинг сиёсати, информацион бошқарув тизими, бошқарув аппаратининг сифати ва шунингдек, раҳбарият томонидан қарор қабул қилишда фойдаланадиган ички назоратнинг бошқа соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида юқори рискли активлар салмоғининг юқори бўлиши унинг тўловга қобиллиги ва ликвидлилигини пасайишига олиб келади. Бундай ҳолатда банк активлари сифатининг пасайиши тижорат банкида ликвидлилик муаммосини чуқурлашишига олиб келади. Бу муаммоннинг чуқурлашиши банкни ҳатто банкрот бўлишига олиб келади.

Айрим тижорат банкларимизда умумий капиталнинг таркибида асосий капиталнинг юқори салмоққа эга эканлиги кузатилди. Бу эса, банкнинг қўшимча капиталини етарли даражада шакллантирилмаганлигидан далолат беради.

Қўшимча капиталнинг етарли даражада шакллантирилмаганлигининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- республикамизнинг тижорат банкларида субординациялашган қарз мажбуриятлари мавжуд эмас;

- ерга хусусий мулкчилик муносабатлари тўлиқ жорий этилмаганлиги сабабли тижорат банкларининг ер майдонлари қайта баҳоланмайди;

- республикамиз тижорат банкларида консолидациялашмаган шўъба корхоналари ташкил этиш масаласига умуман эътибо йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда банклараро рақобат муҳити шакллантирилган, аммо у талаб даражасида ривожланмаган. ТИФ Миллий банкининг банк фаолиятининг бир нечта соҳаларидаги монопол мавқеига барҳам берилмаган.

Республикамизнинг устав капиталида хорижий валютанинг миқдори катта бўлган тижорат банклари бошқа тижорат банкларига нисбатан юқори кредитлаш имкониятига эга бўлиб қолмоқда. Бу эса, бошқа тижорат банкларининг миллий ссуда капиталлари бозоридаги мавқеига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли, девальвация заҳираси сўммасини иқтисодий меъёрларни ҳисоблаш жараёнида регулятив капиталнинг таркибидан чиқариб ташлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Ўтган йили банк муассасалари тармоғини кенгайтириш, миқозларга банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш ва уларнинг замонавий турларини жорий этиш, кредит ахбороти тизимини такомиллаштириш ва нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Битирув малакавий ишини ёзиш давомида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга бўлган асосий йўналиши бўлганлиги сабабли, кредит амалиётларининг самарадорлиги тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Банклар кредит амалиётларининг самарадорлиги эса, ўз навбатида, уларнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш орқали таъминланади

2. Кредитнинг иқтисодий моҳияти унинг иқтисодий категория сифатидаги хусусиятлари орқали намоён бўлади.

Кредит иқтисодий категория сифатида қийматнинг ссуда капитали шаклидаги ҳаракати бўлганлиги сабабли, бир томондан, пул маблағларини маълум муддатга беришлик ва фоиз тўлашлик шартлари асосида беришни англатади; иккинчи томондан эса, миқознинг тўловга лаёқатлилиги кредиторнинг унга ишониши сифатида қаралади.

Пул ссудаларига хос бўлган яна бир муҳим хусусият-миқознинг мажбуриятлари бўйича бериладиган кафолатнинг таъминланганлик даражаси, кафолатларнинг муддатлилиги ва қайтариш хусусиятига эга эканлиги.

3. Ҳозирги даврда халқаро банк амалиётида кредит рискинн бошқаришга нисбатан белгиланган талабларни янада кучайтирилаётганлиги аниқланди ва у қуйидагиларда намоён бўлди:

-муддати ўтган кредитларга нисбатан белгиланадиган кредит рискинн даражасининг оширилиши. Халқаро Базел қўмитасининг янги талаблари бўйича агар кредитнинг муддати тугаганига 90 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса ва кредит рискига қарши яратилган заҳираларнинг миқдори кредит бўйича қарздорлик суммасининг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда бундай кредитларнинг риск даражаси 150 фоиз қилиб белгиланади;

-агар кредитнинг муддати тугаганига 90 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса ва кредит рискига қарши яратилган заҳираларнинг миқдори кредит бўйича қарздорлик сўммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлса, у ҳолда бундай кредитларнинг риск даражаси 100 фоиз қилиб белгиланади;

-тижорат банклари томонидан бериладиган халқаро кредитларнинг риск даражаси кредит олувчиларнинг кредит рейтинига боғлиқ равишда белгиланадиган бўлди;

-тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг гаров таъминотига нисбатан қўйиладиган талаблар Марказий банк томонидан белгиланадиган бўлди.

4. Мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфелининг салмоқли қисмини хорижий кредит линиялари ҳисобидан берилган халқаро кредитлар ташкил этади.

2010 йилнинг 31-декабрь ҳолатига Агробанк кредит қўйилмаларининг қолдиғи 1043,1 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан қарийб 65 фоизи инвестиция лойиҳаларига йўналтирилди. 2010 йил давомида иқтисодиётнинг турли тармоқларига 1245,2 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Шундан саноатга 128,6 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 768,4 млрд. сўм, транспорт ва алоқага 0,9 млрд. сўм, аҳолига уй-жой қуриш ҳамда сотиб олишга 8,3 млрд. сўм, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига 109,8 млрд. сўм, моддий-техника таъминотига 145,6 млрд. сўм ҳамда бошқа мақсадларга 83,4 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

5. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари кредитларининг 30 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши юқори кредит рискинни юзага келтирувчи омил ҳисобланади. ОАТ Агробанк кредитларининг 61.72 фоиздан ортиқ қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи жамоа хўжаликларига, 10.33 %и саноатга, 11.69 %и маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Бу эса, банк кредит портфелининг диверсификация даражасини паст эканлигидан далолат беради.

6. Республикамиз тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш борасидаги қуйидаги муаммолар мавжуд:

- республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси;

- тижорат банклари ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибасининг етишмаслиги;

- банк кредит қўмиталарининг, айрим ҳолларда, ўз ваколати ва вазифасига совуққонлик ва маъсулиятсизлик билан қараши;

- тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазифалари тақсмотини тўғри ташкил этилмаганлиги;

- мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес режаларни банклар томонидан етарли даражада таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномаларини тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги;

- мижозларнинг сезиларли қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги муаммоси.

Республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар бериб ўтмоқчимиз:

1. Республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитларнинг салмоғини камида 60 фоизга етказиш лозим.

2. Республикамиз тижорат банкларининг, шу жумладан, ОАТ Агробанк кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш лозим.

Агар тижорат банки кредитларининг 30 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланиши юз берса, у ҳолда бу банкнинг кредит портфелининг диверсификацияси даражаси паст

эканлигидан, банк фаолиятидаги кредит рискининг кучайганлигидан далолат беради.

3. Тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимларининг корхоналар молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш борасидаги билими ва тажрибаларини ошириш чораларини кўриш лозим.

Банк ходимларининг молиявий таҳлил соҳасида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиши мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини тўғри баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки молиявий коэффицентларни ҳам, мижозларнинг пул оқимини ҳам тўғри ҳисоблаш молиявий ҳисоботларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига боғлиқ.

4. Тижорат банклари мижозларининг асосий қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, банкларда мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий коэффицентлар тизимидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Республикамизнинг тижорат банкларида бешта молиявий коэффицентдан мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда фаол тарзда фойдаланилмоқда. Бизнинг фикримизча, бу етарли эмас.

Республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида қўлланилаётган кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш кўрсаткичлари мижознинг пул оқимини реал даражасини аниқлаш имконини бермайди. Бизнинг фикримизча, баҳолаш тизимига хос бўлган икки асосий камчилик мавжуддир:

а) етарли даражада баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилмаётганлиги.

б) ўртача тармоқ кўрсаткичларини доимий равишда ва ҳаққоний тарзда эълон қилинмаётганлиги.

5. Кредит мажбуриятларини суғурталашни такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистонда банк ва суғурта ташкилотлари амалиётида таъминотни, мулкни суғурталаш амалга оширилмоқда, лекин кредит рискларни суғурта қилиш хали йўлга қўйилган йўқ. Кредит рискларни суғурта қилишни йўлга қўйилишини таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни 2005 йил 25 апрел. Халқ сўзи 2005 йил 26 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. “Ўзбекистон” 2005 йил 10 июнь Халқ сўзи 11 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ- 4058 сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори Банк ахборотномаси 2007 йил 18 июль № 28.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. – 2005. – 18 апрель.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 16 ноябрь ПП-1438 сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сон «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2- чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 173-177.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сон «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 120-146.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сон «Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида»ги Низоми // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 187-192.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 11 февралдаги 632-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш» Тартиби // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 312-325.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 905-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 326-332.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 27 ноябрдаги 594-сонли «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 421-сонли Низом.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2004 йил 24 январьда тасдиқланган “Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низом”ги 1304-сонли Низом.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 144 б.

20. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 85 б.

21. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

22. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

23. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

24. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

25. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007. —347 б.

26. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.

27. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. –187 б.

28. Батракова Л.Г. «Анализ процентных политика коммерческого банка» М.: «Ульяновский дом печати» 2000. 152 стр.

29. Банковское дело: Учебник. – 9-е изд., перераб. и доп. / Под ред. О.И.Лаврушина. М.: Финансы и статистика, 2010. – 672 с.

30. Банковское дело: учебник / О.И. Лаврушин, И.Д. Мамонова, Н.И.Валенцева и др.; под ред. засл. деят.науки РФ, д-ра экон. Наук, проф. О.И. Лаврушина. – 7-е изд; перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 768 стр.

31. Грачева М.В. Анализ проектных рисков: Учеб. пособие для вузов. М.: ЗАО «Финстатинформ», 2009. – 93 с.

32. Деньги.Кредит.Банки./ О.И. Лаврушина. - Б.М.: М.:КНОРУС, 2010. - 558 с.

33. Долан Э.Дж., Кембелл К.Д., Кембелл Р.Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика: Пер. с англ./ Под ред. В.Лукашевича. – М.: Издательство АНК, 1996. – 448 с.

34. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент) М.: Юристъ, 2002. – 456 с.

35. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 296 б.

36. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 2007. – 286 с.

37. Саттаров О. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. –Т.: “EXTREMUM PRESS”. 2010 й. - 102 б.

38. Саттаров О., Бекназаров Э. Тижорат банкларида ГЭП ва уни бошқариш. Монография. –Т.: “EXTREMUM PRESS”. 2011 й. - 82 б.

39. Қоралиев Т.М. ва бош. «Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш» Т.: ТМИ, 2008. -187 б.

37. Абдусаломова О. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №2.

38. Абдурахмонов О. «Фоиз ставкаси rischi – банк молиявий кўрсаткичлари воситаси». «Бозор, пул, кредит» 2005. №8

39. Каралиев Т.М., Куллиев И. Кредит операциялари самарадорлигини ошириш. Бозор, пул ва кредит 2008 йил №2, май.

40. Зокиров Э. Банк кредит портфели мониторинги // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2001. – №10. – Б. 7-8.

41. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари «Бозор, Пул ва Кредит» журнали 2011 йил 1-сон.

42. Холмуродов Н. Кредит рискларини камайтириш муаммолари. Бозор пул ва кредит», 2007. № 3.

43. Қодиров А. Кредит бериш механизмини такомиллаштириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. – №6.

44. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006-2011 йиллардаги маълумотлари.

45. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг 2006-2011 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

46. Интернет сайтлари

[http// www.banking.com/aba/](http://www.banking.com/aba/),

[http// www.org.ru/n.goss/get](http://www.org.ru/n.goss/get).

[http// www.connect/uz](http://www.connect/uz).

[http// www. Review.uz/archive/](http://www.Review.uz/archive/)

[http// www.imf.org.ru](http://www.imf.org.ru).

[http// www.ownbanking.uk](http://www.ownbanking.uk)

[http// www.uza.uz](http://www.uza.uz)

[http// www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

[http// www.stat.uz](http://www.stat.uz)